

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

Абдуллаева Дилбарнинг

**“КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ” мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

Абдуллаева Д.

Илмий раҳбар:

проф. М.М. Ахмеджанов.

Расмий оппонент:

п.ф.д., проф., Ш.Ш.Олимов.

Бухоро – 2013

**Абдуллаева Дилбарнинг
“КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ” мавзусида**

Битирув малакавий ишига

ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ

Мавзунинг долзарблиги _____

Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилганлик даражаси _____

Бажарилган ишга тингловчининг муносабати _____

Тингловчининг адабиётлардан фойдаланиш ва материални мустаил баён эта олиш кўникмалари _____

Тингловчининг тадқиқотчилик кўникмалари _____

Тингловчининг касбий тайёргарлик даражаси, яъни педагогик топширикларни еча олиши, мустақил қарор қабул қила олиши ва х.к

Олинган натижаларнинг амалиётга таълим жараёнига қўллаш имконияти хамда талабанинг ихтисослиги бўйича бериладиган квалификацияни олишга лойиқлиги _____

Илмий раҳбар:

проф. М.Ахмеджанов

**Абдуллаева Дилбарнинг
“КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ” мавзусида
Битирув малакавий иши бўйича расмий оппонент**

ТАҚРИЗИ

Мавзунинг долзарблиги _____

Бажарилган ишнинг унда белгиланган вазифаларга мос келиши _____

Материалнинг мантиқий баён этилиши _____

Ишга оид манбаларнинг тўла ва етарлича танқидий тахлил этилганлиги _____

Ишнинг мустақил бажарилганлиги _____

Олиб борилган тажриба ишлари самарадорлигининг тўла ва тўғри баҳолангалиги _____

Хулосаларнинг тўлқи изохланганлиги _____

Ишнинг амалий ахамияти _____

Ишдаги камчиликлар _____

Ишнинг талаб даражасида расмийлаштирилиши _____

Ишнинг химояга лойиқлиги _____

Расмий оппонент:

п.ф.д. проф., Ш.Ш.Олимов

**МАВЗУ: “КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ПЕДАГОГИК
АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ”**

РЕЖА:

КИРИШ.

**I. БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИЛИШИННИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

- 1.1. Талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш йўллари.
- 1.2. Амалиёт даврида тарбиявий ишларни ўтказишда педагогик раҳбарлик.
- 1.3. Педагогик амалиётнинг таркиби ва уни олиб бориш бўйича методик тавсиялар.

**II. БОБ. АМАЛИЁТЧИ-ТАЛАБАГА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ЁРДАМ.**

- 2.1. Мустақил таълимни ташкил қилиш йўллари.
- 2.2. Мустақил таълимни ташкил этишда талабалар билимини баҳолаш бўйича умумий талаблар.

ХУЛОСА.

КИРИШ

«Маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириши, миллий уйгониш гоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиши давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.»

И.А.Каримов

Республикамида Миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан чамбарчас, ҳар томонлама боғланган бўлиши лозим.

Янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва янги ўқув дастурлари устида ишлаш, қасб-хунар коллежи ва академик лицей тизимига услубий-методологик замин тайёрлаш, узлуксиз таълим-тарбияга асос соладиган тадбирларни амалга ошириш каби масалалар бизнинг олдимизда турибди.

Муҳандис-педагогларнинг муваффақиятли мустақил педагогик фаолияти, уларнинг қасбий тайёргарлиги, ғоявий-маънавий мавқеининг ҳозирги замон ўқув-тарбия жараёнига қанчалик жавоб беришига боғлиқ.

«Қасб таълими (бакалавриат таълим йўналишлари бўйича) талabalari ижтимоий-сиёсий, умумтехникавий ва маҳсус муҳандислик қасб-хунарларини ўрганиш билан бирга ўз билимларини психологик ва педагогик йўналишдаги фанлар билан боғлайдилар. Бу ўз навбатида талабаларнинг дарс машғулотларига тайёрлашни ва уни ўтказиш бўйича малака, кўникма ва қобилияtlарни шакллантиради, ўкувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни таълим ва тарбияси ҳамда ўқув материалининг адекват (айнан ўхшаш маънодаги) мазмуни, услугуб ва воситаларини излаб топишга ёрдам беради.

Талабаларда мұхандис-педагогнинг касбий малака ва күнікмаларининг шаклланиши педагогик амалиётлар жараёнида яққол намоён бўлади. Мұхандис малака тавсифномасига даҳлдор амалиётчи талаба шахсий сифатларининг шаклланиши, амалий машғулотларга тайёргарлиги, уларни ташкил этилиши ва ўтказиш даражаси ва савияси билан чамбарчас боғлиқ.

Юқорида келтирилганларни умумлаштириб педагогик амалиётнинг мақсад-моҳиятини қуидагича ифодалаш мумкин:

Амалиётда мұхандис-ўқитувчиларни тайёрлаш тизими мұхим аҳамият касб этади. Профессионал адаптациялашув (мослашув) ўқув-тарбия жараёнининг бориши ва таркибини чуқур ўрганиш имконини беради. Шунингдек ўқувчилар шахсиятини шакллантиришга билимларни оширишга ва таълимнинг прогрессив шакл ва йўналишини, ҳамда услугуб воситаларни қўллаган ҳолда дарсдан ташқари машғулотлар ва тарбиявий ишларни тайёрлаш ва ўтказиш, ўқуви ва күнікмаларини шакллантиришга пойдевор яратилади.

I. БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИННИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш йўллари.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартида 5111000 Касб таълими (бакалавриат таълим йўналишлари бўйича) бакалаврларининг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар белгиланган. Касбий фаолият объектларини таълим йўналиши бўйича бакалавр касб фаолиятининг объектларига касб-хунар коллежи ва академик лицейлардаги ўқитувчилар, ўқув тарбиявий жараёнлар, педагогик технологиялар ва ўқитиш услублари ҳамда давлат акционер ва хусусий фирмалар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, давлат бошқарув тизими ташкил этади.

Касбий фаолият турлари бошқа фаолият турлари билан биргаликда асосан ўқитувчилик ва ўқув-услубий соҳага қаратилган бўлиб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тасдиқланган ўқув дастури асосида умуниҳисослик, ихтинослик фанларидан ўқитувчилик фаолиятини бажаради.

Педагогик амалиёт бўйича талабалар педагогик танишув(пассив) ва педагогик малакавий (фаол) амалиётларни ўтадилар.

Педагогик танишув (пассив) амалиётида бакалавр:

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаси тузилмасини;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларига оид директив меъёрий ҳужжатларни;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларининг тайёрлов йўналишларини;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқитиладиган фан асосларини;
- касб-хунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишнинг ташкиллаштириш усулларини;
- маҳсус фан ўқитувчilarининг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилишни;
- касб-хунар коллежларида ўқув-тарбиявий ишларни ўтказишни;
- ўқувчilarнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини назорат

қилиш ва баҳолашга қўйилган талабларни;

- касб-хунар колледжларида мутахассислик фанларини ўқитишнинг самарадорилигини ошириш усулларини **билишии ва улардан фойдалана олиши.**

Педагогик малакавий(фаол) амалиётда бакалавр:

- ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари тузилмаси бўйича фаолият кўрсатаётган ходимлар ишларини қузатиш, таҳлил қилишни;
- меъёрий ҳужжатларни ўрганиб, улардан амалиётда фойдалана олишни;
- касб-хунар колледжларидаги ўқув тарбиявий ишлар бўйича назарий ва амалий билимларни;
- танлаган касби бўйича олган назарий билимларини амалиётга тадбиқ этиш;
- ихтинослик фанларини ўқитиша педагогик технологияларни амалиётда кўллаш бўйича;
- тайёрлов йўналишларидаги касбий фанларни ўқитиши методикаси бўйича;
- ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қилиш бўйича;
- ўтказилган амалиётлар натижасида ҳисботлар тайёрлаш;
- ихтинослик фанларини ўқитиша талабалар фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш, баҳолаш бўйича **малакага эга бўлиши лозим.**
- ўтказилган амалиётлар натижасида талабалар ҳисботларни тайёрлайдилар ва топширадилар;

Шу билан бирга малакавий битирув ишларини ҳам бажариш бўйича лозимли маълумотлар тўплайдилар.

Ҳозирги замон ўрта махсус, касб-хунар колледжларининг малакали ишчи ва техник кадрлар тайёрлаш ўчоги сифатидаги вазифаси, ўзлари учун муҳандис-педагог ходимларни мақсадларга йўналтирилган ҳолда, ҳар томонлама пухта билимли, ҳозир жавоб этиб тайёрлашдан иборатdir.

Услубий ва назарий тайёргарликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун «Касб таълими» йўналиши талабалари педагогик амалиётдан ўтишлари лозим. Бу уларнинг мутахассисликка биринчи қадам қўйишлари ва дастлабки педагогик маҳоратга эга бўлишлари учун имкониятдир.

Академик лицей ва касб-хунар колледжларида талабалар педагогик-амалиётининг самарадорлиги, энг аввало унинг курсдан-курсга мураккаблашган талаблар асосида, тизимлилик, босқичма-босқичлик ва узвийлик принциплариiga мувофиқ ташкил этилиши билан қўлга киритилади. Педагогик амалиёт учинчи курсдаёқ бошланади ва битирувчи курсда тугайди. Иш жойи бўйича кейинги икки йиллик тажрибадан ўтиш унинг якунловчи босқичини ташкил этади.

Педагогик амалиёт ўз ичига қўйидагиларни олади:

- «мутахассисликка кириш» курсини ўрганиш бўйича касб-хунар колледжлари ва корхоналар билан танишув;
- йиллик тажрибадан ўтишни муҳандис-педагог сифатида касб-хунар колледжларида ёки корхонанинг ишлаб чиқариш ўқуви бўлимларида амалга ошириш.

Амалиёт тизимиининг барча элементлари, тегишли йўналишлар бўйича зарурый дастурларида ифода этилган.

Ҳамма босқичлардаги педагогик амалиётга раҳбарлик институт профессор-ўқитувчилари, колледж ёки корхона ходимлари томонидан амалга оширилади.

Масалан: 3-курс талабаларини «Педагогика ва психология» кафедралари профессор-ўқитувчилари, колледж директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, фан ўқитувчилари, гуруҳ раҳбарлари, муҳандис-педагоглар, ўқув юрти жамоатчилик ташкилотлари, фан уюшмалари бошлиқлари бошқарадилар ва улар раҳбарлигига талабалар касб-хунар колледжлари билан танишадилар.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни (уй бошқармалари, маҳаллалар, педагогик отрядлар, «Камолот» ёшлар маркази отрядларида) педагог ўқитувчилар раҳбарлигига ўтказилади.

4-курс талабалари педагогик малакавий (фаол) амалиётини «Педагогика ва психология» кафедралари профессор-ўқитувчилари билан биргаликда мутахассислик кафедра профессор-ўқитувчилари ва колледжлар муҳандис-педагогик ходимлари, касб-хунар колледжлари директорлари, уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосарлари, фан ўқитувчилари бошқарадилар ва назорат қилиб борадилар.

Амалиётнинг аниқ ташкилий ва педагогик фаолиятини юритиш мазкур тизимни бошқарув ташкилоти ва унинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Талабалар амалиёт даврида таълим ва тарбия мазмунини янада такомиллаштириш заруриятига, таълимнинг илмий даражасини ошириш ва ўқув жараёнининг ғоявий йўналишини кучайтириш лозимлигига ишонч ҳосил қиласидилар.

Амалиётнинг муваффакиятли натижалари амалиётчиларнинг ҳам кириш, ҳам давомий ёки оператив тажрибанинг ўтишига бевосита боғлиқ. Амалиётчи иши устидан мунтазам назорат ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фақат ана шундай шароитларда амалиётчилар ўқувчилар тарбиясида, уларнинг мустақил билим олишга кўникмаларни ривожлантиришда, ташкилий ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ишларни жонлантиришда, ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишда раҳбар ташкилотлар ва мутасаддиларга фаол ёрдамчиларга айланадилар.

Касб таълими йўналишлари талабалари амалиёт даврида ўз фаолиятларининг оптималь моҳиятини очиқ-оидин тасаввур эта оладилар. Улар яхши биладиларки, касб-хунар коллажлари ва академик лицейларни кўпчилик битирувчилари эҳтиёжи учун зарур бўлган моддий бойликлар яратиладиган ишлаб чиқариш манбаларида ишлайдилар. Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг муваффакиятлари кўп жиҳатдан кадрлар салоҳияти ва ёш мутахассисларнинг (ўқув юртлари битирувчилари) умумназарий ва маҳсус билимлари, ўқув-кўникмалари ҳамда ташаббускорликларига боғлиқ.

Педагогик амалиётга бораётган талабалар учун психологик-педагогик цикл фанларини амалиётдан олдин ўтилиши катта аҳамиятга эга. Негаки, бу фанларсиз талабалар педагогик амалиёт топшириқларини бажара олмайдилар.

Психологик-педагогик циклда келтирилган фанлар, уларни кетма-кетлиги мухандис-педагогни шакллантиришга қаратилгандир.

Шу фанлар қаторида 2 маротаба ўтиладиган педагогик амалиёт, олинган назарий билимларни мустаҳкамлашда, амалда синааб қўришда, талабаларда педагогик маҳоратни шакллантиришга олиб келади. Бундан келиб чиқиб, педагогик амалиётларни психологик-педагогик цикл

фанларидан алоҳида ажратилган ҳолда тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаш лозим.

Биринчи педагогик амалиёт (пассив) VI ўкув семестри бошланишида 144 соат миқдорида ўтилиши ва иккинчи педагогик амалиёт (фаол) VIII ўкув семестри бошланишида 180 соат миқдорида ўтилиши инобатга олинса, бу амалиётларни психологик-педагогик цикл фанлари макромодулига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Унда «Касб талими» йўналишларининг психологик-педагогик цикл фанлари ва педагогик амалиётлар макромодул тузилмаси қўйидаги кўринишга эга бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

5111000 - «Касб таълими» йўналишлари учун психологик-педагогик цикл фанлари ва педагогик амалиётлар макромодул тузилмаси

№	Фанлар номи	Семестрлар бўйича аудитория соатлари сони							
		1	2	3	4	5	6	7	8
1	Касбий психология	112							
2	Касбий педагогика		120	104					
3	Педагогик маҳорат						85		
4	Касб таълими методикаси, КИ						100		
5	Биринчи педагогик амалиёт						144		
6	Иккинчи педагогик амалиёт								180

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, биринчи педагогик амалиётгача талаба 4 фанни ўзлаштириши лозим бўлади.

Биринчи педагогик амалиётнинг вазифалари ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда тузилади.

Бу ерда:

-услубиётдан: дарсларга истикбол режа, дарс конспектлари ва уларнинг таҳлиллари;

-педагогикадан: маънавий-тарбиявий ишлар режаси, тарбиявий соат сценарийси, гурух йиғилиши баёни, тарбиявий соат таҳлили;

-психологиядан: социометрия методи билан гурхни ўрганиш каби топшириқлар берилади.

Иккинчи педагогик амалиётни ўтишга доир 1та фан (Касб таълими методикаси ва ушбу фандан курс иши) қўшимча ўтилади. Шу муносабат билан юқоридаги топшириқларга нисбатан талаба фаол формада иш олиб боради ва ҳафтасида 4-6 соат машғулотини ўтказади. Курс ишини мутахассислик фанларини биридан дарс бериш услубиётини яратишга бағищлайди. Яъни аниқ бир фан бўйича меъёрий-услубий материаллар тўплами, педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс бериш услуби, фан бўйича ахборот манбалари, дарсликлар билан ишлаш, дарс конспектини ёзиш, мавзуга оид интернет янгиликларини тўплайди.

Психологик-педагогик цикл фанлари ва педагогик амалиётлар макромодули бўйича талабалар 7 фан бўйича якуний баҳоланади, 2 марта амалиёт ҳисоботи топширадилар ва битирув малакавий ишида методика қисмини бажариб, химоя қилишлари билан якунланади.

Талаба амалиёт ўтишда амалиёт Низомида кўрсатилган қўйидагиларга амал қилиши лозим:

- амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши;
- амалиёт объектларини, яъни касб-хунар колледжларини ички меҳнат таратиб қоидаларига бўйсуниши;
- меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини ўрганиши ва қатъий риоя қилиши;
- бажарилган иш ва унинг натижалари учун муассаса ходимлари қатори жавобгарлик олиши;
- кундалик дафтар юритиши, чизмалар, тасвиirlар ва бошқаларни бажариши;
- амалиёт раҳбарига барча топшириқлар бажарилгани ҳақида ёзма равища ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича тегишли рейтинг баллини тўплаши шарт.

Биринчи таништирув ҳафтасининг ташкилий-педагогик аспектлари

Талабаларнинг касб-хунар коллежлардаги педагогик амалиётининг биринчи ҳафтаси улар фаолиятининг янги шароитларига мослашув режаси алоҳида аҳамият касб этади. Талаба ўқитувчи, тарбиячи ролидаги ўзининг «мен»ини ҳис қилиши лозим. Дарҳақиқат амалиётнинг биринчи ҳафтасида талабанинг коммуникатив алоқалари ва нотаниш кишилар билан ўзаро муносабат малакалари шаклланади (ўқувчилар ва муҳандис-педагог ходимлар билан).


Педагогик амалиёт даврида олий ўқув юрти услубчиси, касб-хунар коллежи ўқитувчиси, амалиётчи талаба бир-бири билан ишchan, узвий алоқани сақлаб туриши, ҳамкорликда фаолият кўрсатиши жуда муҳим рол ўйнайди.

Педагогик амалиёт даврида қўйидаги кўп тармоқли коммуникатив боғланишлар тизимишининг умумий таъсири кўрсатиши ва яхши натижалар берниши лозим.

Бу ҳамкорлик боғланишлар тизимида қўйидаги масъул ходимлар иштирок этадилар:

ОЎЮдан: услубшунос (раҳбар), педагог, психолог, амалиётчи -талаба;
касб-хунар коллежидан: коллеж директори, касб-таълими бўйича директор муовини (раҳбар), ўқитувчи, услубиётчи, гурӯҳ раҳбари, муҳандис-педагоглар.

Бу ҳамкорлик боғланишлар асосида амалиётнинг 1-танишув ҳафтасида ҳар бир иштирокчи фаолияти ва уларнинг узвий боғлиқлиги схемалари билан танишиб чиқамиз.



1-расм. ОЎЮ услубшуносининг коммуникатив алоқа схемаси.

1. ОЎЮ услубшуноси – институтда амалиётчи талабалар билан

«Амалиёт олди конференцияси»ни ташкил этади, институт буйруғи асосида талабаларни колледжларга бириктириш ва уларни зарур мөйөрүй хужжатлар билан шахсан таъминлайди.


2. Коллеж директори-амалиётчи талабаларни гурұхларга тақсимлаш ва коллеж томонидан раҳбар тайинлаш түғрисида буйруқ чиқаради;

3. Директорнинг касбий-таълим бўйича муовини (раҳбар) - талабаларни малакали ўқитувчилар дарсига қатнашишини ташкил этади, уларни фан ўқитувчиларига беркитилишини амалга оширади.

4. Режалаштирилган хужжатларни тузишда талабаларга амалий ёрдам ва маслаҳатлар беради.

5. Биринчи ҳафта охирида кундалик тўлдирилиши, талабаларнинг шахсий иш режаларини амалиёт даврида услубшунос ва ўқитувчилар томонидан имзоланишини таъминлайди. Бунда алоҳида эътибор «ижтимоий сиёсий амалиётга ва маънавий-тарбиявий ишларга қаратилиши лозим».

Директорнинг касбий таълим бўйича муовини (раҳбар)нинг 1-ҳафта давомида иш фаолиятининг коммуникатив алоқа босқичлари билан танишамиз (2-расм).



2-расм. Директор муовинининг коммуникатив алоқа схемаси

1. Амалиётчи - талабалар, фан ўқитувчилари, мұхандис-педагоглар, гурұх раҳбарлари билан коллежда умумий йиғилиш ўтказилади.

Директор муовини (раҳбар) талабалар билан қуидаги масалаларни тушунтириш асосида сұхбатлашади ва тушунча беради:

- колледж тузилиши тарихи;
- колледж моддий-техника базаси, махсус кабинетлар, уларни жиҳозланғанлиги, ўқувчиларга мұхандис-педагоглар, ўқитувчилар, васий корхоналар ҳақида аниқ ахборот беради;
- касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш;
- ўқувчилар сони, муаммо ва ютуқлар;

- ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилиш, хужжатларни юритиш;
 - ўқитувчилар жамоасида услугий ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш;
 - ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини жадаллаштириш услуби, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, дидактик воситалардан фойдаланиш муаммолари, таълим жараёнида педагогик технологияларни қўлланилиши борасида;
 - коллежнинг амалиёт давридаги иш режаси билан таништириш;
 - коллежда иш режими, кутубхона фондидан фойдаланиш, амалиётчилар овқатланишини ташкил этиш;
 - ўқитувчилар жамоаси, мұхандис-педагоглар усталари, гурӯҳ раҳбарлари билан амалиётчи талабаларни таништириш.
2. ОЎЮ услугушуноси билан биргаликда дарс жадваллари ва дарсдан ташқари тадбирларни режалаштириш ва тузиш.
3. Талабаларнинг педагогик амалиётини ўтказилишини қонуний расмийлаштириш, бунинг учун коллеж буйруғини чиқариш.
4. Талабалар фаолиятини, келиб-кетишини назорат қилиш учун «назорат табелини» юритиш, малакали ўқитувчилар дарсларини амалиётчилар томонидан кузатиш ва таҳлил қилиш, услугушунослар ишини яхши йўлга кўйиш.
5. Биринчи танишув ҳафтаси якунига бағишлиланган йиғилиш ўтказиш.
- Коллеж ўқитувчиларининг 1-танишув ҳафтасида ташкилий ва педагогик фаолият коммуникатив алоқа босқичлари 3-расмда келтирилган.
-
- ```

graph LR
 A[Коллеж ўқитувчиси
услубишунос] --> B[Директор мувовини]
 A --> C[Амалиётчи- талаба]
 A --> D[Мұхандис-педагог, гурӯҳ раҳбари]
 A --> E[ОЎЮ услугушуноси]

```

**3-расм. Коллеж ўқитувчиси услугушуноснинг коммуникатив алоқа схемаси.**

1. Ўқитиши усулларидан ўкув жараёнида фойдаланиш, фанлар бўйича амалиётчи-талабанинг билим дарражасини аниқлаш мақсадида танишув ва сухбатлар ўтказиш.

2. Педагогик амалиёт даврида дарсдан ташқари ишларни ва ўкув ишларни режалаштиришда амалиётчи - талабаларга яқиндан ёрдам кўрсатиш.


3. Ўкувчиларнинг мустақил ишларига эътиборни қаратган ҳолда, уларни баҳолаш мезони, дарс хоналари ва улардаги мавжуд ўкув жиҳозлари, малакали ўқитувчиларнинг фаолияти ва ўз иш тизими, ўкувчилар гуруҳи билан таништириш.

4. Амалиётчи - талабанинг биринчи мустақил дарсга тайёргарлигини бошқариш.

5. Мутахассислик бўйича дарсдан ташқари ишларни, амалиётчи-талабанинг кундалигига қўл қўйиш, услубий ишлар тематикаси ва дарс режаларини тасдиқлаш.

6. Биринчи танишув ҳафтасининг натижасига бағишилаб ўтказиладиган мажлисда қатнашиш.

Амалиётчи-талабанинг коммуникатив алоқасининг тасвири мазмуни унинг фаолияти қўйидаги босқичда давом этади: (4-расм)



**4-расм. Амалиётчи-талабанинг коммуникатив алоқа схемаси**

1. Ўкув юртининг моддий техника базаси, ўқитувчилар, уларнинг иш услуги ва тизими билан танишиш. Ўкув хоналари ва уларнинг моддий таъминланганлик дарражаси, маҳсус адабиётлар, кундалик режа, истиқболли-мавзуй режа, ўкув дастур ва режалар билан танишиш.

2. Ҳужжатлар, маънавий-тарбиявий ишлар режалари, синф раҳбари, муҳандис-педагоглар билан танишиш.

3. Гурух иш режаси, ўқув гурухи, ўқувчилар шахсий ишлари билан танишиш.

4. Биритирилган гурух, муҳандис-педагоглар, малакали ўқитувчи-ларнинг дарсдан ташқари ташкилий ва оммавий тадбирларга қатнашиш ва дарсларни таҳлил қилиш.


5. Услубчи, гурух раҳбари, ўқитувчи ва муҳандис-педагоглар томонидан иш режаларини тасдиқлаш, кундаликнинг барча бўлимлари бўйича режалаштирилган тадбирларни ўтказиш.

6. Биринчи мустақил дарсга тайёргарлик.

7. Биринчи дарс конспектини ўқитувчи томонидан тасдиқланиши.

8. Биринчи танишув ҳафтасининг натижасига бағишилаб ўтказиладиган мажлисда қатнашиш.

Муҳандис-педагог, гурух раҳбари, директор мувонини, услубшунос ва амалиётчи талаба билан қуидаги мазмунда узвий алоқани ҳамкорликда фаолиятларини ташкил қиласидилар ва амалиётни қуидаги босқичларда амалга оширадилар.



5-расм. Муҳандис-педагог, гурух раҳбарининг коммуникатив алоқа схемаси.

1. Амалиётчи-талаба билан танишиш

2. Амалиётчи-талабаларни ўкув гурӯҳи, ҳар бир ўкувчи шахсининг индивидуал хусусиятлари, гурӯҳ ўқувчиларининг шахсий ҳужжатлари билан таништириш.

3. Гурӯҳ маънавий-тарбиявий иш режаси билан амалиётчи-талабани таништириш.

4. Гурӯҳ билан амалиётчи-талабанинг алоқасини яхшилашга кўмаклашиш, талабалар билан назарий ва ишлаб чиқариш таълими дарсларини кузатишда биргаликда қатнашиш.

5. Гурӯҳда дарсдан ташқари ўтказиладиган тарбиявий ташкилий тадбирларга амалиётчи-талабаларни бириктириш.

6. Тарбиявий ишлар бўйича режалаштирилган ҳужжатларни тузишда амалиётчи-талабаларга амалий ёрдам кўрсатиш.

7. Биринчи ҳафта даврида килинган ишлар натижасига бағишлиланган йиғилишда қатнашиш.

## **1.2. Амалиёт даврида тарбиявий ишларни ўтказишда педагогик раҳбарлик**

Ўзбекистонда мустақиллик тантанаси туфайли таълим-тарбия тизимида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Миллий қадриятларни тиклаш, миллий маънавиятни юксалтириш, айниқса, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига эътиборни кучайтириш шулар жумласидандир. Ўлкамизда буюк режалар, бунёдкорлик ишлари, ақл-идрок, сабр-қаноат билан, тарихий анъаналаримиз тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қадам-бақадам амалга оширилмоқда.

Олий ўкув юртидан касб-хунар колледжларига педагогик амалиёт ўтиш учун келаётган ҳар бир талаба қуида келтирилган академик лицей ва касб-хунар колледжларида ўтказиладиган ритуаллар тизими (3) билан таниш бўлиши ва шу асосида тарбиявий ишларини амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат герби;
- Мустақил Ўзбекистон биринчи курс талабасининг тантанали қасамёди;
- Академик лицей ва касб-хунар колледжи ўқувчисининг қасамёди;

- Академик лицей ва касб-хунар колледжига қабул қилиш маросими;
- «Мустақиллик куни», «Билимлар куни» ва ўқув йили бошланишининг тантанали очилиш ритуали;
- Ўқувчиларни курсдан-курсга ўтказиш маросими;
- Ўқув юртини тамомлашга бағишенгандан маросим;
- Ҳафта навбатчилигини ўтказиш тадбирлари;
- Касб-хунар колледжида иш ва ўқиши кунининг бошланиш тартиби.

Ўқувчилар тарбиявий ишини ташкил этиши ва улар ижтимоий-сиёсий амалиётини такомиллаштириш бўйича билимлар ва кўникмалар билан куроллантириш, мутахассисликлар педагогик амалиёти дастурининг органик таркибий қисмидир. Ўқувчилар билан кўп киррали тарбиявий ишларини бажариш бўлгуси муҳандис-ўқитувчиларни тайёрлаш, унинг мазмуни ва сифат йўналишини курсдан-курсга босқичма-босқич, ижтимоий-сиёсий амалиётга уйғунлашган ҳолда мақсадга мувофиқ ва муентазам равишда амалга оширади.

Хозирги босқичда касбий-техника мактаби нафақат ўқувчиларнинг касбий тайёргарликка эга бўлишини ташкил этиши, балки тенг ва тўлақонли меъёрда тарбиявий вазифани адo этиши, ёшларнинг маънавий ривожини яъни, баркамол авлодни шакллантиришни таъминлаши лозим. Бундан келиб чиқадиган хulosha шуки, касбий педагогик тайёргарлик талабаларнинг педагогик амалиёт даврида ёшларнинг ғоявий-ахлоқий мураббийлари даражасида тайёрлашдан иборат олийжаноб мақсадни бажаришдек долзарб ва зарурый масаладир.

Педагогик назария билан педагогик амалиётнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, назарияни талабаларнинг шахсий тажрибаси билан узвий боғлаш, уларнинг касб-хунар колледжлари ўқувчилари билан олиб бориладиган тарбиявий ишда бевосита иштирок этишлари жараённида амалга оширилади. Ўтказилган педагогик тадқиқотлар шундан далолат берадики, муҳандис-ўқитувчининг амалий профессионал шаклланишида кўпгина жиддий синовларга, уларнинг тарбиявий соҳа билан боғлик бўлган педагогик мувофиқлиги хусусияти ва кирралари тортилади. Касб-хунар колледжлари ўқитувчиларининг педагогик иш фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, муҳандис-ўқитувчининг меҳнати юқори даражадаги мобиллиги, ўта муракқаблиги ва кўпқирралиги билан ажralиб турган ҳолда ундан нафақат чуқур ва ҳар томонлама илмий ва касбий билимларни, қобилият ва

кўникмаларни, балки юксак ахлоқий сиёсий сифатларни, ғоявий чиникканликни, кучли иродани, педагогик иррудицияни, фактни ва психологик интуицияни ҳам талаб қилади.

Талабаларда бундай педагогик сифатларни шакллантириш педагогик ва ижтимоий-сиёсий амалиёт жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоий-педагогик амалиётнинг асосий вазифаси усмирлар ва ёшлар жамоаларининг касбий-педагогик билимларини ва амалиётни ташкил этиш борасида ортирган тажриба ва фаолиятини кенгайтиришдан иборатдир. Бу амалиёт 3 характерли босқичдан ташкил топган:

**Биринчи босқич** – пропедевтик, булгуси муҳандис-ўқитувчининг ижтимоий-педагогик фаолиятига нисбатан касбий ориентацияси (мувофиқлашуви) ва мослашуви (адаптацияси) босқичидир. Бу ерда бўлгуси фаолиятга дахлдор юксак ғоявий ахлоқий асослар пойdevori яратилади, педагогик профориентация амалга оширилади. «Мутахассисликка кириш» курси бўйича машғулотларда факултетнинг етакчи олиму - педагоглари талабалар олдига педагогнинг жамиятдаги роли, бурчи ва миссияси тушунчасини сингдирадилар. Муҳандис-ўқитувчи шахсига нисбатан ва ёшлар мураббияси сифатидаги талабларни шакллантирадилар.

**Иккинчи босқич** – талабаларнинг ижтимоий-педагогик фаолияти тубдан кенгаяди. Бу нафақат педагогик фанларни мунтазам ўрганиш билан боғлиқ, балки талабаларни касб-хунар коллажларини реал, жонли ўқув тарбиявий жараёнига фаол киришиб кетганликлари сезиларли даражада кўзга ташланишини ҳам англатади. Талабалар етакчи ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар дарсларида қатнашадилар, фан бўйича лаборатория, амалий машғулотлари дастурига мувофиқ ишларни бажарадилар, муҳандис-педагог ва гурух раҳбарлари режаси бўйича алоҳида тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда бевосита ёрдам берадилар.

**Учинчи босқич** – шу билан характерланадики, педагогик амалиёт талабаларнинг бўлажак касбий фаолияти реал шароитларда ўтказилади. 3-4-курсларида педагогик амалиётини ўтказишда улар ўқувчилар билан тарбиявий ишлар спецификацияси (ўзига хослиги)ни англайдилар, педагогик технологияни ўзлаштирадилар ёки эгаллайдилар, бўлажак ёш ишчи шарафи туйғусини шакллантиришга ўрганадилар, ўзларига топширилган иш учун юксак масъулият ва жавобгарлик, фуқаролик бурчи ва маънавий етукликни ҳис қила бошлайдилар.

## **Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг психологик тайёргарлигини такомиллаштириш.**

Олий ўқув юртлари «Касб таълими (бакалавриат таълим йўналишлари бўйича) талабаларининг касбий тайёргарлиги тизимида психологик таълим кенг ўрин эгаллайди. Психология бўлими мухандис-ўқитувчига педагогик фаолият, қонунлар, тамойиллар, ўқув методлари ва ўқувчилар ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиянинг ижтимоий моҳиятини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Бу бўлғуси педагогни ўқувчилар психологик фаолиятининг хусусиятларини тушунишга ўргатишни тақозо этади, шахс ривожини кузатиш эса тўғри педагогик хулосалар чиқариш имконини беради. Бундан ташқари педагогик амалиёт талабанинг келгусида педагогик фаолиятга муносиблигини реал баҳолаш имконини беради. Бундай вазифанинг психологик аспектларини тадқиқот қилиш ва асослаш шунинг учун зарурки, касб таълими йўналишининг битирувчиси ўз устида ишлаши учун зарур бўлган шахсий сифатларни ўзида тарбиялашнинг асосий йўналишларини билиши шарт.

### **Амалиётчилар учун психологиядан топшириқлар**

Педагогик амалиёт ўтиш даврида талаба психология фанидан ўқув ва мустақил ишлар жараёнида психология курсидан олган билимларини қайта тиклайди ва педагогик фаолиятда қўлладайди.

Педагогик амалиёт давомида талаба психология фанидан қўйидаги вазифаларни бажариши ва уларни ҳисботда акс эттириши лозим:

- битта ижобий хулқقا эга ўқувчини психологик ва педагогик жиҳатдан ўрганиш, у ўқиётган (ўқув грухси) ва яшаётган (оиласи, дўстлари) мухит билан яқиндан танишиш ва унга психологик-педагогик тавсифнома ёзиш;
- битта салбий хулқقا эга ўқувчини психологик ва педагогик жиҳатдан ўрганиш, у ўқиётган (ўқув грухси) ва яшаётган (оиласи, дўстлари) мухит билан яқиндан танишиш ва унга психологик-педагогик тавсифнома ёзиш;
- танлаб олинган ўқувчи шахсини ўрганиш методикаларини танлаш, ўтказиши ва натижаларини ҳисботга киритиши (масалан, «Темпера-

мент паспорти», «Дифференциал-диагностик сўровнома» ва бошқалар);

- ўқувчилар гурӯҳи, унинг ички тузилиши, ўқувчилар орасидаги муносабатларни ўрганиш ва унга психолого-педагогик тавсифнома ёзиш;
- ўқувчилар гурӯхининг ички тузилишини ўрганиш учун «Социометрик сўров» методикасини қўллаш ва натижаларини тўлик ҳисоботда акс эттириш.

Бу топшириқларни бажариш давомида талаба психологиядан олган назарий билимларни амалиёт билан боғлаши, гурӯхдаги индивидуал ёрдамга муҳтож ўқувчиларни аниқлаши, гурӯхнинг ривожланганлик даражаси, унинг психолого-хусусиятларини диагностика қилиши лозим. Олинган натижалар асосида ўқувчилар ва гурӯх билан индивидуал ишлаш, гурӯхни бошқаришни такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ҳамда бошқаришда фойдаланишни ўрганиши лозим.

### **Топшириқни бажариш учун талаба қўйидаги ишларни бажариши лозим:**

- амалиёт бошланишида психология курсидан олган билимларни тақрорлаш, тушунмаган муаммоларни психологиядан раҳбар ёрдамида ойдинлаштириш;
- танлаб олган иккита ўқувчини мунтазам равишда, дарс жараёнида, дарсдан бўш вақтларда, тарбиявий ишлар олиб бораётганда кузатиш;
- кузатилаётган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари, гурӯх раҳбари, ота-оналари билан сұхбатлар ўтказиш;
- ўқувчининг ҳаёт ва фаолияти акс эттирилган хужжатлар (таржимаи ҳол, гурӯх журнали, дафтарлар ва ҳ.к.)ни таҳлил қилиш;
- ўқувчи билан маҳсус методлар (эксперимент, анкета, тест) ёрдамида ишлаш;
- дарс ва тарбиявий соат, дарсдан ташқари ишларни бажариш давомида гурӯх фаолиятини кузатиш;
- гурӯх раҳбари, гурӯх сардори ва шу гурӯх ўқувчилари билан сұхбатлашиш;
- психолого-педагогик методикалар (социометрия) қўллаш орқали гурӯхни ўрганиш.

Барча маълумотларни амалиётчи маҳсус ишчи дафтарга қайд қилиб бориши шарт. Ёзувларнинг олиб борилиши психология фанидан услубшунос ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. Амалиёт даврида тўпланган маълумотлар асосида талаба психология қисмига доир ҳисобот тайёрлайди.

### **Психологиядан топшириқни бажаришга қўйиладиган талаблар**

1. Психологиядан топшириқлар алоҳида дафтарга ёзиб борилиши лозим.

2. Ишчи дафтарда ўтказилган барча ишлар (сухбат, анкета, тест, отаонаси билан сухбат ва х.к.) батафсил ва санаси билан баён қилиниши лозим.

3. Амалиёт бошида барча талабалар режа тузиб уни психология ўқитувчисига тасдиқлатади.

4. Ёзилган психологик-педагогик тавсифномада ўқувчи ва гурухнинг психологик хусусиятлари батафсил, мисоллар ёрдамида очиб берилиши лозим.

5. Тавсифнома умумий гаплардан (масалан: хотираси яхши, интизоми ўртача, нутқи яхши, ўқиши яхши, гурухнинг жипслиги яхши ...) иборат бўлиб қолмаслиги лозим.

6. Тавсифномада албатта хулоса ва педагогик тавсиялар бўлиши лозим.

7. Психологик-педагогик тавсифноманинг охирида амалиётчи -талаба томонидан ўрганилган ўқувчининг гурух раҳбари ва психологиядан методист - ўқитувчининг имзоси бўлиши шарт.

### **Ўқувчи шахси ва ўқувчилар гурухини ўрганиш бўйича топшириқларни бажаришнинг тахминий тақсимланиши**

**Биринчи ҳафта.** Ўқувчилар гуруҳи билан яқиндан танишиш. Гуруҳ ҳақида умумий маълумотлар йиғиш. Ўрганиш учун икки ўқувчини танлаш. Уларнинг ўзи ва оилавий ахволи ҳақида маълумотлар тўплаш.

**Иккинчи ҳафта.** Танланган иккита ўқувчининг оилавий шароитини, уларнинг ўқувчилар гуруҳидаги ўрни, мавқеи, бошқалар билан ўзаро муносабатларини, ўқишига бўлган муносабатини, ўзлаштиришини ўрганиш. Гурух фаолларининг ишини ўрганиш ва тахлил қилиш. Ўқувчини ўрганиш бўйича қўлланиладиган методикалардан фойдаланиб, психологик материаллар тўплаш.

**Учинчи ҳафта.** Танланган иккита ўқувчини ўрганиш бўйича ишларни тугаллаш ва улар билан индивидуал режа ва тавсиялар ишлаб чиқиши. Ўқувчилар гурухини ўрганиш учун социометрик сўров ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилишга киришиш. Олинган натижаларни гурух раҳбари билан мувофиқлаштириш.

**Тўртинчи ҳафта.** Танланган иккита ўқувчи билан индивидуал ишлаш, уларнинг хулқ-авторига таъсир қилувчи педагогик усулларни қўллаш. Гурухнинг ички тузилишини ўрганишни (социометрияни) якунлаш. Натижаларни сұхбатлар ва кузатишлар орқали текшириб кўриш. Барча маълумотларни тўплаш ва психологик - педагогик тавсифномаларни ёзиши тугаллаш ҳамда гурух раҳбари билан мувофиқлаштириш.

### **Ўқувчи шахсини ўрганиш учун қўйидаги психологик методлардан фойдаланиш тавсия қилинади.**

1. Темперамент паспорти.
2. Хотира типларини ўрганиш методикалари.
3. Диққатни ўрганиш методикалари.
4. Ишчи касбини танлаш мотивларини ўрганиш методикаси.
5. Дифференциал-диагностик сўровнома (Е.А.Климов).
6. Шахснинг ўз-ўзини баҳолашини ўрганиш методикаси.

### **Талабаларнинг педагогик амалиёт даврида бажарадиган услубий ва илмий ишларига раҳбарлик.**

Педагогик фаолиятга доир билим, қўникма ва малакаларнинг шаклланиши учун қулай имкониятлар амалиёт даврида яратилади. Биринчидан ўқув ва тарбиявий вазифаларни ўрганиш, режалаштириш ва амалга ошириш аниқ бўлиши, иккинчидан узоқ вақт давомида касб-хунар коллежлари етакчи ўқитувчилар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда малакали мутахассислар бошчилигига уни назарий амалга оширилади, учинчидан ўқитишнинг янада самарали шакллари, услуби, воситалари шахсий тажрибада текширилади, бу эса турли хил вариантларда тажриба, кузатиш, солиштириш ва таҳлил қилишни, яъни тажриба изланув ишини олиб боришни талаб қиласи.

Талабалар услубий ишларининг режаси амалиётчининг дикқати касб-хунар колледжидаги олиб бориладиган жамоавий ва индивидуал услубий ишларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим.

Амалиётчи-талабанинг индивидуал услубий иши қўйидагилардан ташкил топган: истиқбол - мавзуй режа (мавзуй - тақвим), дарсларнинг режа - конспектлари (машғулотларнинг технологик карталари), фаннинг ўкув дастуридаги алоҳида мавзуларнинг услубий ишланмалари; ўкув техника воситаларини, плакатлар, макетлар ва ҳоказоларнинг дидактик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш; ўқитувчилар ва ўзларининг ҳамкасб амалиётчилари дарсларига кириш ва таҳлил қилиш ва бошқалар. Услубий ишларнинг бу шакллари талабаларнинг илмий - педагогик дунёқарашларини кенгайтиради. Шундай қилиб амалиёт давридаги услубий ва илмий - педагогик ишларнинг режаси тахминан қўйидагилардан ташкил топади:

1. Коллеждаги услубий ишларнинг ташкил этилиши билан танишиш ва уни ўрганиш.

2. Коллежда фаолият кўрсатаётган педагогик кенгаш, услубий комиссия ва бошқа услубий органларнинг ишида иштирок этиш.

3. Талабаларнинг инструктив - услубий йиғинлари, семинарлари, махсус курслари ва бошқаларида қатнашиш.

4. Амалиёт даврида ўкув мавзуларининг мавзуй режалари ва жорий дарс режаларини тузиш.

5. Фанлар дастурларининг алоҳида мавзулари бўйича қўлланмалар ишлаб чиқариш, комплекс услубий таъминотли дарс папкаларини тузиш, ўқитиши воситаларини тайёрлаш ва бошқалар.

6. Илгор педагоглар фаолиятини ўрганиш.

7. Илмий тадқиқот ишлари.

8. Амалиётчи ўзининг педагогик фаолият натижаларининг назарий асослари бўлмиш яқуний ҳисботини ёзади.

Режа топширик талабага амалиётнинг 1-куни берилади. Режа амалиётнинг 1-чи (танишув) хафтасининг охирида қисмларга ажратилган ҳолда услубшунос, ўқитувчи ва амалиётчи ҳамкорликдаги иши натижасида педагогика ва психология ўқитувчиларининг маслаҳатларини ҳисобга олиб аниқлаштирилади. Кейинги хафталарда айниқса биринчи ўкув машқларига тайёрланиш ва ўтказиш даврида услубий иш талабаларнинг кўп вақтини

олади. Шунинг учун услугбий раҳбарликни олиб борувчи ўқитувчи назорати орқали, талаба томонидан уларнинг бажарилишига, эришиши лозим.

Асосий эътиборини талабаларнинг фанлар бўйича ўқитиш шакллари ва услугбларини такомиллаштиришга қаратилган услугбий комиссияларнинг ишида қатнашишига, уларнинг малакаси ва педагогик маҳоратини ошириш мақсадида ўқитувчи ва муҳандис - педагогларнинг услугбий ёрдамларини ташкил қилишга каратиш лозим. Шу нуқтаи назардан амалиётчилар учун педагогик кабинетда мавжуд бўлган ўқув - услугбий материалларни, яъни очик дарслар бўйича қайта ишланган материаллар (режалар ва конспектлар, дарсларнинг таҳлили баёнлари, услугбий кўрсатмалар ва хуносалар), ўқув дастуридаги алоҳида мавзуларнинг услугбий ишланмалари, фан ва техниканинг турли соҳаларида (технология, педагогика, психология) эришилган замонавий ютуқларга доир материалларнинг мавжудлиги бу фанларга қайта қизиқишини уйғотади. Услубий билимлар, малакалар ва кўникумаларни шакллантиришда талабаларнинг услугбий семинарлари катта аҳамиятга эга. Уларнинг мавзуси касб-хунар коллежида олиб бориладиган услугбий ишларнинг асосий йўналишларини эътиборга олиши лозим. Талабалар услугбий семинарларда қатнашиши, ўқитиш ва тарбиялаш назариясининг амалиёт билан боғлиқлигини очиш имконини беради. Семинарларнинг мавзулари ва муддатлари базавий ўқув юрти услугбий комиссияси билан келишилади. Педагогик амалиёт даврида 3-4та семинар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

### **Ш-курс талабаларининг педагогик амалиёт давридаги услугбий семинарларининг тахминий мавзуси.**

1. Гурух ўқувчилари ва жамоасини ўрганиш услуби ва уларнинг дастлабки тавсифлари.
2. Ўқувчилар билан дарсдан ташқари тарбиявий ишни режалаштириш (муҳандис-педагоглар ва гурух раҳбарлари билан ҳамкорликда).
3. Ўқувчиларнинг дарсда билим ва малакаларини текшириш ва баҳолаш услуби.
4. Ўқувчиларга дарсда ва дарсдан ташқари ишларда индивидуал ёндашиш (ўқитувчилар, гурух раҳбари, талабаларнинг чиқиши).
5. Турли хил ўқув-тарбиявий ишларни ўтказиш услуби (талабаларнинг дарс ва тарбиявий ишларга тайёрлаш ва ўтказиш, ўқувчиларнинг дарсда

мустақил ишлашини ташкил қилиш ва хоказо тұғрисида талабаларнинг ахбороти).

6. Дарсларни кузатиши тақсил қилиш услуби.

#### **IV-курс талабаларининг педагогик амалиёт давридаги услубий семинарларнинг тахминий мавзулари**

1. Ўқувчилар ўзлаштиришларида мавзуй режалаштириш ва унинг роли.

2. Гурух раҳбарининг тарбиявий ишларини режалаштириш.

3. Дарсда ўқувчиларнинг билими ва савиасини текшириш ҳамда баҳолаш.

4. Ўқувчиларнинг дарсда ва дарсдан ташқари ишларидан билим олишга қизиқишиларини ривожлантириш.

5. Ўқувчиларнинг касбга йўналишлари бўйича ишларнинг мажмуаси.

6. Ўқитиши тарбия ишларидан замонавий ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш.

Тақвимий - мавзуй режани тузишда талабалар мавзунинг мазмунини аниқлайдилар, шакллантириладиган билимлар, малакалар ва кўникмаларнинг даражасини белгилайдилар, мавзуларни ўрганиш кетма-кетлиги тұғрисидаги масалаларни ҳал қиласадилар, мавзу материалларини дарс бўйича тақсимлайдилар, фанлараро боғлиқликни аниқлайдилар ва ўқитишнинг самарали ташкил этиш шакллари, услублари ва воситаларини танлайдилар.

Дарс режасини тузишда талабалар дарснинг ҳар бир қисмини аниқлайдилар, ўқитиши воситаларини танлайдилар ва зарур бўлганда уларни ишлаб чиқадилар, дарснинг ҳар бир қисмининг услубини, ўқувчилар билан сўров ўтказиш, машғулотни мустаҳкамлаш ва ҳоказоларни ўйлаб чиқадилар.

### **1.3. Педагогик амалиётнинг таркиби ва уни олиб бориш бўйича методик тавсиялар**

#### **Педагогик амалиётнинг мақсади**

«Касб таълими » йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг биринчи ва иккинчи педагогик амалиёти ўқув режасига кўра тўрт ва беш ҳафта давом этади.

Талабалар ўқув - тарбия амалиётини касб - ҳунар коллекларида ўтадилар. Бу амалиёт талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиягини ривожлантириш, педагогик фаолият билан амалда яқиндан танишишга йўналтирилган.

**Педагогик амалиётнинг мақсади бўлиб қуидагилар хизмат қилади:**

- институтда олинган билимларни ўқув - тарбиявий, илмий-текшириш ва методик ишда қўлланилиши билан танишиш;
- мутахассисликка доир фанлардан дарс бериш тажрибасини ўрганиш;
- битирув малакавий ишини бажариш ва давлат аттестациясига амалий тайёргарлик кўриш;
- ўқувчилар психологиясини ўрганиш тажрибасини ошириш.

### **Педагогик амалиётнинг асосий вазифалари**

1. Гурух раҳбари, муҳандис-педагог тарбиявий ишларининг шакли ва услублари билан кенг танишиш, ўқув гуруҳида турли тарбиявий тадбирларни ўтказиш тажрибасининг йиғилиши.

2. Замонавий педагогика ва услубиётнинг ютуқларини қўллаган ҳолда турли хил ўқув машғулотларини ўтказишга доир, бошланғич кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш.

3. Илмий текшириш ишларининг кўникма ва малакаларини шакллантириш.

4. Мавжуд норматив ва тавсияномаларга асосланган ҳолда турли хил ўқув - услугбий ҳужжатларни тузиш ва кўникмаларини ҳосил қилиш.

### **Педагогик амалиёт объектлари**

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти 5111000 – Касб таълими (бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ) бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талабларида касб фаолиятининг объектларига касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар киритилган.

Касбий фаолият турлари асосан ўқитувчилик ва ўқув-услубий соҳага қаратилган бўлиб, касб - ҳунар коллежлари ва академик лицейларда тасдиқланган ўқув дастури асосида умумихтисослик, ихтисослик фанларидан ўқитувчилик фаолиятини бажаради. Шу муносабат билан амалиёт объектларининг мослигини ўрганилиши ва чуқур таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг институтда олган назарий билимларини амалиётда, яъни мутахассисликларга мос ҳолда жиҳозланган касб - ҳунар коллежи лабораторияларида ўтказилиши бакалаврларни тайёрлаш (касб -

хунар колледжарининг бўлажак ўқитувчиларининг сифатини), ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифатини янада оширишга олиб келади.

Амалиёт объектларини ўрганишда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг Касб таълими (бакалавриат таълим йўналишлари) 3-4 курс талабалари таркибидан келиб чиқиб, Бухоро вилоятида жойлашган касб-хунар колледжлари мисолида таҳлил қилиб чиқилди ва у 11-иловада келтирилган. Масалан: таҳлилдан кўриниб турибдик, Касб таълими (Электроэнергетика) таълим йўналиши талабаларини 12та, Касб таълими (Бинолар ва иншоотлар қурилиши) таълим йўналиши талабаларини 12та касб-хунар колледжларига, Касб таълими (Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш) таълим йўналиши талабаларини 24та, Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари) таълим йўналиши талабаларини 35та касб-хунар колледжларига педагогик амалиётга йўналтириш мумкин. Талабалар тақсимоти албатта амалиёт ўтиладиган касб-хунар колледжларида ушбу мутахассисликларда таълим олаётган ўқувчилар сони ва амалиёт шартномалари асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига тегишли таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаётган шаҳар ва вилоят академик лицейлари, касб-хунар колледжарини амалиёт объектлари сифатида танлашлари мақсадга мувофиқдир.

### **Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш.**

Педагогик амалиёт жараёнида талабалар ўқитувчининг асосий ишини бажарадилар, груп раҳбарига ёрдамчи бўлиб хизмат қиласидилар, ўқув муассасининг ҳамма ўқув услугубий ва ташкилий услугубий ишларида тўлиқ қатнашадилар, психологик - педагогик кузатиш ва текширув ишларини олиб борадилар, жамоанинг объектив ишида қатнашадилар (амалиёт дастури ва ўқув муассаси маъмуриятининг кўрсатмасига асосан).

Ўқув ва тарбиявий ишлар билан танишириш мақсадида амалиётчи-талаба ўқув групига бирикитилади. Ёрдамчи раҳбар сифатида ҳар бир талабага қуйидаги мутахассис услугчилар бирикитилади:

- а) институтининг ўқитувчи-услубчиси, педагогикадан, психологиядан ўқитувчи;
- б) фан ўқитувчиси (касб-хунар колледжидан);
- в) талаба бириктириладиган групнинг раҳбари, куратори;
- г) касб-хунар колледжининг муҳандис-педагоги.

Педагогик амалиётнинг умумий раҳбарлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

а) институтдан – факултет декани (талабаларнинг қайси коллежга боришини, уларнинг тақсимланишини аниқлайди, шунинг билан бирга услубчи ва талабаларнинг ишларини назорат қилиб боради);

б) коллеж директори ёки унинг ўринbosари (талабаларни коллеж бўйича групкаларга тақсимлайди, уларга раҳбарлик қилувчи услубшуносларни тайинлайди, талабаларнинг иш фаолияти ва интизомини назорат қилиб боради).

### **Амалиётни ўтказишнинг асосий босқичлари**

Амалиётнинг биринчи ҳафтаси талабалар учун мослашиш ҳафтаси бўлиб ҳисобланади. Талаба ўқув юрти, унинг ањаналари, педагогик колектив билан танишади. Маъмурият ва ўқитувчилар томонидан талабалар бажариши лозим бўлган топшириклар ва вазифалар белгиланади.

Биринчи ҳафта давомида талаба ўзига бириктирилган ўқув грухи билан танишади. Ўқитувчи ва муҳандис-педагогнинг иш дастурларини ўрганади ва уларнинг дарсларига қатнашиб таҳлил қиласида. Кузатиш ва таҳлиллар қисқа холосалар шаклида кундалиқда ёзиб борилади. Шу давр ичida талаба ўзига бириктирилган раҳбар - услубчилар ёрдамида амалиёт жараёнида бажарадиган ишларининг режасини тузади ва тасдиқлатади.

Барча ҳисбот учун зарурий хужжатлар биринчи кундан бошлаб тайёрлаб борилиши лозим.

Амалиётнинг охирги ҳафтаси давомида амалиётчи талаба ўзининг индивидуал иш режаси бўйича бажарган ишларига якун ясашга киришади ва хужжатларни расмийлаштиради. II-педагогик амалиёт давомида талаба ҳар ҳафтада 3-4 соат, жами бўлиб 14-18 соат дарс ўтказишлари шарт.

Амалиётчи талабанинг ишини текшириш ва назорат қилиб бориш коллеж ва институт томонидан бириктирилган раҳбарлар зиммасига юклатилади. Амалиёт давомида ҳар бир коллеж ёки академик лицейда талабалар орасидан сардор тайинланади. Унинг зиммасига талабаларнинг давоматини олиб бориш, талабалар бурчагини ташкил қилиш (услубшунос - ўқитувчи билан ҳамкорликда) юклатилади.

### **Амалиёт давомида олиб бориладиган тарбиявий ишлар мазмуни**

Талаба ўқув ишлари (амалий ва назарий машғулотлар)ни олиб борар экан, у тарбиячи вазифасини ҳам бажаради ва тарбиявий ишларда фаол

қатнашади. Амалиётчи - талаба гурух раҳбари сифатида сиёсий, ахлоқий, меҳнат, иқтисодий, эстетик, жисмоний ва экологик муаммолар бўйича дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштиради ва ташкил қиласди. Амалиётчи тарбиявий ишларни ўқувчилар гурухининг ривожланганлик даражаси ва уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда олиб боради, шунга мувофиқ ҳолда турли тарбия методлари ва уларнинг шаклларини қўллади.

Иккинчи педагогик амалиётнинг хусусияти шундан иборатки, бунда талабалар «ўқитувчи - тарбиячи» сифатида касбий фаолиятнинг реал муаммолари доирасига киритилади, «ўқитувчи - тарбиячи» ишларининг реал мазмуни ва ҳажми билан таништирилади.

Амалиётчи - талабанинг коллежда тарбиявий ишлар бўйича асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

### **Биринчи ҳафта:**

1.1. Гурух раҳбари (муҳандис - педагог)нинг тарбиявий ишлар режасини ўрганиш;

1.2. Ўқувчилар гурухини ўрганиш;

1.3. Ўқувчилар жамоаси билан тарбиявий иш масаласини аниқлаш;

1.4. Жамоа билан белгиланган тадбирларни танлаш.

### **Иккинчи ва кейинги ҳафталар:**

2.1. Гурух жамоаси билан ишлаш;

2.2. Гурух раҳбари, муҳандис-педагог билан доимий ҳамкорликда бўлиш;

2.3. Ўқувчиларни тарбиялашда жамоатчиликни жалб қилиш;

2.4. Ўқувчилар иштирокида турли тадбирлар ўтказиш (сухбат, баҳс, анжуман, гурух мажлиси ва бошқ.);

2.5. Гурух ўқувчиларининг ота-оналари билан ишлаш:

- амалиётчи талаба томонидан ўқувчиларнинг оиласда тарбияланишининг аниқ шарт - шароитларини ўрганиш;
- гуруҳда ота - оналар мажлисини ўтказиш;
- ота - оналар ўқувини ўтказиш.

Амалиёт жараёнида талаба гурух раҳбари сифатида тарбиявий ишларни ташкил қилишга доир қўйидаги амалий топшириқларни олади:

- гурух раҳбари иши билан танишиш, ўқувчилар жамоасини ўрганиш;

- ўқитувчи ва муҳандис - педагогга гуруҳ билан ишлашда ёрдам бериш;
- 1-2 тарбиявий тадбирларни мустақил тайёрлаш ва ўтказиши.

Тарбиявий тадбирларни ўтказища ҳамма талабалар қатнашишлари шарт. Тарбиявий ишда амалиётчи - талаба унинг мавзуси, мақсади, тарбиявий аҳамиятини ва унинг ўрнини очиб беради. Қатнашган талабалар ўтказилган машғулотни таҳлил қилиб, унинг ижобий ва салбий томонларини ёритиб берадилар.

Ҳисоботга қўйидаги тарбиявий ишлар киритилиши лозим:

1. Иккита тарбиявий соат сценарийси;
2. Битта гуруҳ йиғилиш баёни;
3. Бир йиллик тарбиявий ишлар режаси (муҳандис - педагог, гуруҳ раҳбарининг 6 ойлик иш режасидан фойдаланиши лозим);
4. Муҳандис - педагог томонидан тасдиқланган қундалик;
5. Иккита тарбиявий соат таҳлили (4-иловага қаранг);
6. Альбом (унда амалиёт даврида килинган ишлар натижалари ўз аксини топиши шарт).

### **Амалиётчининг ўқув ишларига тайёрланиши**

Амалиётчи биринчи ҳафта давомида коллеж ва унинг иш тизими, бириклирилган ўқув гуруҳи билан танишади. Шу билан бир қаторда ўқув гурухининг дарсларига кириб, ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қиласи. Гуруҳ раҳбари билан биргаликда бутун амалиёт даврида қилинадиган индивидуал ишлар режасини тузади. Амалиёт раҳбарларидан амалиёт даврида бажариши лозим бўлган топшириқларни олади.

Иккинчи ҳафтадан бошлаб талаба дарсларга тайёргарлик кўриб, уларни ўтказишни бошлайди. Талаба ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриши лозим.

Иккинчи педагогик амалиёт даврида талабалар биринчи кундан бошлаб қўйидаги фаолият турларини олиб борадилар:

1. Ўқув юртининг моддий-техник базаси ва талабага бириклирилган ўқитувчининг иш услуби ва тизими билан танишиш.
2. Ўқув режаси, дастури, тақвимий - мавзуй режа, технологик харита, маҳсус адабиётни таҳлил қилиш.

3. Мұхандис - педагогнинг режаси, бириктирилган ўқув гурӯҳининг режаси билан танишиш.

4. Ўқув гурӯхи таркиби, уларнинг ўқишига қизиқиши, қобилиятлари билан танишиш.

5. Тажрибали ўқитувчи ва мұхандис-педагогларнинг дарсларига қатнашиб, уларни таҳлил қилиш.

6. Ўқитувчи ва мұхандис-педагог билан иш режасини тузиш ва тасдиқлаш.

7. Фан бўйича мустақил иш ўтказишига тайёргарлик кўриш.

8. Услубиётчи - ўқитувчилардан дарс ўтиш бўйича даврий равища маслаҳатлар олиш. Ўтиладиган дарс конспекти услубиётчи - ўқитувчи томонидан тасдиқланиб, кўл қўйилиши лозим.

#### **Амалиётчи - ўқитувчи ўқув жараёнида қўллаши лозим бўлган ҳолатлар:**

- ўқитувчи ва талаба ўргасидаги муносабатларнинг ўзгариши (ҳамкорлик педагогикаси);
- фақат «қулоқ солиш» эмас, балки «иштирок этиш йўли орқали ўқитиши;
- фақат натижага эмас, балки жараёнга ҳам қараш;
- ўқитишининг замонавий йўллари ва усулларининг кенг «репертуарига» эга бўлиш;
- эмпатия ва рефлексияни қўллаш;
- танқидий фикрлашни ривожлантириш усулларини қўллаш;
- шахсга йўналтирилган, гуманистик педагогикани ўзлаштириш ва унга амал қилиш;
- талабаларни ўқишига ундаш ва фаоллаштиришнинг замонавий усулларини қўллаш;
- аниқ машғулот ўтказиш жараёнида, жумладан яратиш ва изланиш, ижодий даражаларида ўқитишининг замонавий технологиялари ва усулларини қўллашнинг хилма - хиллиги;
- ўқитиши натижаларини баҳолашнинг замонавий тизимини қўллашни намойиш қилиш.

#### **Амалиётчининг услубий ва илмий- тадқиқот ишларида қатнашиши**

Амалиётчи касб-ҳунар коллежи (академик лицей)нинг услубий ва илмий-тадқиқот ишларида қатнашиб, ўзида маҳсус қўникма ва малакаларни

шакллантириши ва ривожлантариши лозим. Услубий ва илмий-тадқиқот ишларига қуидагилар киради:

- педагогик кенгаш, услубий, фан ва фанлараро комиссиялар ишлари билан танишиш ва уларнинг ишида қатнашиш;
- педагогик кабинет иши билан танишиш;
- кўргазмали қуроллар тайёрлаш;
- педагогик билимларни оммалаштиришда қатнашиш;
- илмий-техник анжуманларда маъруза қилиш;
- колледж ретуаллари билан танишиш ва унга бевосита иштирок этиш.

### **Амалиётчилар учун гурухни ўрганиш бўйича топшириқлар**

Гурух жамоасини ўрганиш ва унга тавсиянома тузиш. Гурух жамоасини ўрганиш учун қуидагиларга эътибор бериш лозим:

- гурухга оид бўлган барча ҳужжатлар билан танишиш;
- дарс давомида ўқувчиларни ўқув ва тарбиявий фаолиятини кузатиб бориш;
- ўқувчиларни психологик нуқтаи-назардан ўрганиш учун психодиагностик усуллардан фойдаланиш;
- гурухда социометрия ўтказиш ва тавсифнома тузиш (7-илова)

Топшириқларни бажаришда талабалар умумий, ёш ва педагогик психологиядан олган назарий ҳамда амалий билимларини намоён қилишлари лозим.

### **Бунинг учун эса қуидагиларни эътиборга олиш лозим:**

1. Гурухни ўрганиш учун психологик усуллардан фойдаланиб, назарий билим асосида тавсифнома тузилиши лозим.
2. Тавсифнома тузишнинг тахминий схемасида кўрсатилган ҳар бир қисмга алоҳида жавоблар ёзиш талаб қилинади.
3. Тавсифнома тузишда, гурух раҳбари ҳамда психологиядан ўқитувчи ёрдамида амалга оширилади.
4. Тавсифноманинг тўғри тузилиши ва гурухни тўғри ўрганилганлиги амалиётчи ва гурух раҳбари имзоси билан тасдиқланиши шарт.

### **Психологиядан топшириқни бажариш босқичлари (тахминий схемаси)**

**1-ҳафта.** Гурух жамоаси ва раҳбари билан танишиш.

Гурухга оид хужжатлар билан ишлаш. Ўқувчиларни ўқиши ва ўқишдан ташқари ҳаётини кузатиш.

Қўлланиладиган метод: Кузатиш методи.

**2-ҳафта.** Ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини кузатиш.

Социометрия ўтказиш учун гурух жамоасини тайёрлаш.

Қўлланиладиган метод: Кузатиш ва сухбат методи.

**3-ҳафта.** Социометрия методини ўтказиш, олинган маълумотларни матрица жадвалига тушириш. Гурух табақаларини аниқлаш. Гурухда йўлбошчилар, ажралиб қолган ўқувчиларни аниқлаш, гурух жипслиги сифат ва сон жиҳатидан аниқлаб чиқиш.

**Қўлланиладиган метод: Социометрия методи ва сухбат (7-илова)**

**4-ҳафта.** Олинган натижаларни қайта ишлаб изоҳлаб бериш, қийин бўлган ўқувчилар ҳақида гурух раҳбарлари ва муҳандис-педагог билан сухбат ўтказиш, психологиядан услубиётчи-ўқитувчи ёрдамида таҳлил қилиш. Қўлланиши мумкин бўлган тадбирий чоралар ёрдамида қўллансин. Баъзи бир кузатилиши қийин бўлган жараёнларни психодиагностик методлар ёрдамида текшириш.

Қўлланиладиган метод: Социометрия, анкета, сухбат, тест методлари.

**Гурухни ўрганиш ва унга психологоик - педагогик тавсифнома тузишнинг таҳминий схемаси.**

1. Гурухнинг тарихий шаклланиши ташкил этилган вақти, мутахассислиги, улардан қизлар ва йигитлар, мактаб ҳамда ишлаб чиқаришдан келганлар сони, гурух раҳбари ушбу гурух билан қачондан бери шуғулланиб келяпти.

2. Фаолиятлар мазмуни ва характеристи.

2.1. Таълим: ўзлаштиришлар, ўқув малакалари, кўникма ва малакаларнинг шаклланиши. Айрим ўқувчилар ўзлаштиришлари устидан назорат, гурух фаоллари, жамоатчи ҳамда спортчи ўқувчиларнинг дўстларига ёрдами, гурух раҳбари ўқувчилар билан қандай иш олиб боради.

2.2. Гурухда интизомнинг ҳолати, ўқувчиларнинг хулқ-атвори. Гурухнинг дарсдан ташқари ҳаёти, жамоат топшириқларини бажариш, санъат, адабиёт ва коллеж ҳаётида ўқувчиларнинг ҳафта кунларига бағищланган эрталабки сафланишига қатнашиши. Ижтимоий фойдали меҳнатда уларнинг тутган ўрни. Айрим ўқувчиларнинг ўқиши ва ўқишдан ташқари фаолиятидан мисол келтиринг.

### **3. Гурух, жамоаси ва унинг тузилиши.**

3.1. Гурух фаоллари ва ҳурмат қозонган йўлбошчиларга қисқача тавсиф беринг (уларнинг ўқишилари, гурух ҳаётида тутган ўрни, обрўйи, ўқувчиларга муносабати ва колледж ҳаётида тутган ўрни. Гуруҳда айрим ажралиб қолган ўқувчилар сони ва уларнинг гурух билан, фаоллар билан муносабати). Ушбу кўрсатилган ўқувчиларга қисқача тавсиф беринг.

3.2. Гуруҳда ўзаро муносабатлар жипслик даражаси, гуруҳда ўзаро ёрдам даражаси ва ҳамкорлиги, гуруҳда кичик гуруҳларнинг сони ва миқдори, уларнинг ички тузилиши, қизлар ва йигитларнинг муносабати. Ушбу гуруҳлардаги ўзаро муносабатларнинг моҳиятини кўрсатинг.

3.3. Гурух раҳбари ва муҳандис-педагогнинг жамоат ички ҳаётида тутган ўрни, обрўйи, таъсири, жамоанинг уларга бўлган муносабати. Гурух раҳбари ва муҳандис-педагогнинг гурухга ва айрим ўқувчиларга таъсирини кўрсатиб беринг. Гуруҳда раҳбар ва ишлаб чиқариш устасининг колледж ҳаётидаги ўрни.

**4. Амалиётчи томонидан гуруҳда ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жамоа ҳаёти учун қизиқиш хусусиятларини ошириш мақсадида олиб борган ишларнинг мазмuni гурух мажлиси, кечалар, учрашувлар, айрим ўқувчилар билан сұхбат, ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар билан сұхбат ва бошқалар.**

4.1. Гурух билан олиб бориши лозим бўладиган тарбиявий ишлар мазмунни ёки талаба-амалиётчининг гурух ҳақида таклиф муроҳазалари.

Топшириқни тўғри ва ўз муддатида бажариш учун талаба қўйидаги ишларни бажариши лозим:

а) психология курсидан олган билимларни тақорглаш, тушунмаган нарсаларни психологиядан услубшунос ёрдамида ойдинлаштириш;

б) танлаб олган иккита ўқувчини мунтазам равишда, дарс жараёнida, дарсдан бўш вақтларда, тарбиявий ишлар олиб бораётганда кузатиш;

в) кузатилаётган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари, гурух раҳбари, ота-оналари билан сұхбатлар ўтказиш;

г) ўқувчининг ҳаёт ва фаолияти акс эттирилган хужжатлар (таржимаи ҳоли, гурух журнали, дафтарлар ва ҳ.к.)ни таҳлил қилиш;

д) ўқувчи билан услублар махсус услублар (эксперимент, анкета, тест) ёрдамида ишлаш.

Барча маълумотларни ўқувчи махсус ишчи дафтарга қайд қилиб бориши шарт. Ёзувларнинг олиб борилиши психология фанидан услубиётчи-ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. Охирги ҳафтада тўпланган маълумотлар асосида талаба социометрия услуги билан гурӯҳни ўрганади (7-иловага қаранг).

## **Педагогик амалиёт даврида талабаларни рейтинг тизимида баҳолаш**

Рейтинг тизими Республика халқ хўжалигини рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш, талабаларда ўқитилаётган фанларга нисбатан масъулиятни ошириш, топширикларга ижодий ёндашиш, мустақил ишлаш ва фикрлаш, ўз билимини мунтазам равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 26 августда 1981-1-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 29 август 2010 йилдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида малакавий (педагогик) амалиёт – 100 баллик тизимда баҳоланади. Амалиётда талабани мунтазам баҳолаб бориши учун янги инновацион шакл (9-илова) педагогик амалиёт бўйича талабанинг рейтинг картаси юритилади. Ушбу инновацион шакл талабани фақат амалиёт якунида эмас, балки ҳар куни баҳолаб бориши имкониятини беради. Ушбу шаклда педагогик амалиёт мазмунини тўлиқ қамраб оловчи фанлардан (услубиёт, педагогика, психология) вазифалар, уларга ажратилган максимал баллар саралаш баллари асосида амалга оширилиб боради. Рейтинг карта янги инновацион шакл, яъни мужассамлаштирилган кундалик ва ҳисбот формасининг охирида берилади.

Амалиёт бўйича максимал рейтинг балли ўқув режасида амалиётга ажратилган соатлар микдори билан белгиланади. Масалан: «Касб таълими» йўналишларида 3-курсда 1-педагогик амалиётга ўқув режасига биноан 4 ҳафта 144 соат ва 4-курсда 2-педагогик амалиётга 5 ҳафта 180 соат ажратилган.

Педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш учун 1та услубчи, 1та педагог ва 1та психолог тайинланади. Умумий раҳбарлик услугчига юклатилади.

Касб-хунар колледжлари томонидан раҳбарлик ўкув ишлари бўйича директор ўринbosари зиммасига юкланди. Унинг вазифасига талабаларни гуруҳларга тақсимлаш, улар олиб бораётган ишларни назорат қилиб бориш ҳамда амалиёт якунида кундалик ва ҳисоботларни тасдиқлаб, талабаларга тавсифнома бериш киради.

Талабаларни амалиёт бўйича ўзлаштиришини баҳолаш амалиёт даврида мунтазам равишда олиб борилади. Педагогик амалиёт бўйича талаба бажарадиган ишлар қуйидаги 3 қисмга ажратилади:

- услубиёт;
- педагогика;
- психология.

Муаллифлар томонидан кўп йиллик тажрибаларга амал қилган ҳолда педагогик амалиётда талабалар бажарадиган ишлар номи ва ҳажми ишлаб чиқилди.

Педагогик амалиётга йўлланадиган талабалар рейтинг тизими тўғрисида тўла тушунчага эга бўлишларини инобатга олиб, уларни ҳар бирига амалиёт бўйича рейтинг карта берилади.

Педагогик амалиётнинг таркиби ва уни олиб бориш бўйича методик тавсияларга асосланган ҳолда рейтинг картага бажариладиган ишлар номи келтирилган.

Баҳолаш ҳар бир бажариладиган иш, унинг мазмуни хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда балл билан белгиланади (9-илова).

Рейтинг картада баллар тақсимоти умумий баллга нисбатан қўйидагicha тақсимланади:

I-педагогик амалиётда максимал 144 соат - 100 балл

- педагогика 42 соат – 29 балл
- психология 30 соат – 21 балл
- ҳимоя 72 соат – 50 балл

II-педагогик амалиётда максимал 180 соат 100 балл

- услубиёт 45 соат – 25 балл
- педагогика 30 соат – 17 балл
- психология 15 соат – 8 балл
- ҳимоя 90 соат – 50 балл

Амалиёт якунида талаба ёзма равища тўлдирилган кундалик ва ҳисботни тайёрлайди ва уни бевосита касб-хунар коллежидан тайинланган раҳбар (ўқув ишлари бўйича директор муовини) имзолагандан сўнг институтдан тайинланган раҳбарга топширади. Раҳбар ҳимоя кунини белгилайди ва тегишли кўрсатмалар беради. Ҳимоя тақдимот шаклида ташкил қилиниши мумкин. Педагогик - амалиёт ҳисботининг рейтинг картасида белгиланган вазифалар бажарилиб, балл тўплангандан сўнг ҳимояга рухсат берилади. Ҳимоя учун З-кишидан иборат комиссия тузилади ва талаба ҳимоясидан сўнг, ҳимоя натижаси учун ажратилган балл миқдоридан кўшиб, умумий балл қўйилади.

Юқорида келтирилган қисмларининг бирор қисми бажарилмаган ҳолда (масалан: психология қисми) ҳимояга рухсат этилмайди.

Рейтинг картада талабанинг тўплаган амалиёт давридаги баллига ҳимоя балли қўшилиб институт томонидан берилган қайдномага қўйилади. Кундалик ва ҳисбот талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар (1-илова), амалиёт обьекти бўлимларининг қисқача изоҳи (цех, бўлим, тажрибахона ва бошқалар), улар фаолиятини ташкил қилиниши, ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар, амалиёт натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олиши лозим.

Амалиёт якуни олий таълим муассасасининг илмий - услубий анжуманида муҳокама қилинади. Олий таълим муассасаси ва факултет Илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади.

Рейтинг карта педагогик - амалиёт мужассамлаштирилган кундалик ва ҳисботининг 1-бетига тикиб топширилади.

Рейтинг тизимини тўла жорий этиш тўғрисида талabalарга амалиётдан олдинги конференцияда тушунтириб ўтилади.

Рейтинг картани тўлдиришда ҳар бир қисм бўйича раҳбарлар, (амалиёт ўтиш жойида) талabalарни бажарган иши мазмуни, ҳажми, қай даражада бажарилганлиги таҳлил этиб (қўшимча саволлар бериб) шу иш учун ажратилган максимал балга нисбатан балл қўйиб борадилар.

Талаба педагогик амалиётининг ҳар бир қисмидан 55% дан кам балл тўплаши мумкин эмас. Амалиёт бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсатгичлари билан баҳоланади:

- 86-100 балл – «аъло»;

- 71-85 балл – «яхши»;
- 55-70 балл – «ўрта»;
- 55 балл дан кам – «қониқарсиз»;

Амалиёт натижалари бўйича талаба тўплаган рейтинг баллар миқдори, белгиланган тартибда тасдиқланган шаклдаги қайдномага қайд қилинади ва ўзлаштириш кўрсатгичи 55% дан юқори бўлганда «Рейтинг дафтарчаси»га ёзилади

## **Уйғуналаштирилган кундалик ва ҳисоботни расмийлаштириш тартиби**

Ҳисобот амалиётнинг биринчи кунидан бошлабоқ ёзилиб, тайёрлаб борилади.

Бугунги кун ўқитувчиси чукур педагогик-психологик билимларга, ривожланган касбий қобилиятга, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, ўз фаолиятига ижодий ёндашиши, ўзи дарс берадиган фанни ҳозирги замон талаблари даражасида билиши, мустақил Ўзбекистон халқларининг яратувчанлик қудратига ишониши ва бу ишончни талабалар онгига сингдира олиши зарур.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий маҳоратни, малака ва кўникмаларни шакллантиришда, ўз касбининг моҳир усталари, яратувчилари қилиб етиштиришда олий педагогик ўқув юртларида ўқиш даври масъулиятли ҳисобланади.

Педагогик амалиёт талабаларни ўқитувчи, тарбиячи, синф раҳбари сифатида тайёрлашга, барча кўринишдаги ўқув-тарбиявий ва жамоа ишларини ташкил этиш, кўникмаларини шакллантиришга, таълим-тарбия жараёнига ижобий жараён сифатида ёндашишни ўргатишга қаратилган.

Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг фақат амалий ва назарий жиҳатдан педагогик фаолияти қанчалик шаклланганлиги текширилибина қолмасдан, балки бўлажак ўқитувчи шахси ижодий куч-қудратининг бойиши учун шарт-шароитлар вужудга келтирилади, унга услубий ёрдам кўрсатилади. Мантиқан, ўқув фанларини интеграциялаб ўрганиш натижасида ўқувчиларда педагогика, психология ва хусусий методика фанларини назарий жиҳатдан ўрганиш билан бирга, ўқув ва педагогик амалиётларининг ҳам узлуксизлигини таъминлаш зарур.

Амалиёт даврида талабанинг мустақил ишлари ҳажми ортади, уларга нисбатан талаб ўзгаради.

Жамият тараққиёти барча жабҳалар каби таълим ва тарбия жараёнида ҳам инновацияларни, яъни ўзгаришларни талаб қиласди. Ўқитишнинг янги шакл ва методларини қўллаш аста-секин жамият ривожланишининг прогрессив кучи бўлиб қолади. Янгилик киритиш узлуксиз жараён бўлиб, педагогик фаолиятда муентазам равишда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Таълимда янгиликлар киритиш фақатгина давлат сиёсати даражасида эмас, балки таълим тизими ва фан ходимлари ҳамда ташкилотчиларидан келиб чиқадиган ташаббус натижасида ҳам амалга оширилади. Бу жараён инновацион педагогик фаолият йўли билан ташкил этилади.

Мазкур талаблар инобатга олинган ҳолда педагогик амалиёт бўйича мавжуд ҳисоботдан фарқли равишда муаллифлар томонидан янги ҳисобот шакли ишлаб чиқилди ва 4 йилдан бўён тажриба сифатида қўлланилиб, яхши натижа берди. Талабалар мавжуд ҳисоботга асосан алоҳида кундалик дафтарга олиб бораётган ишларини қайд қилишлари, педагогика, психология, касб таълим методикаси фанлари бўйича топшириқларни алоҳида варақларда қайд қилишлари лозим эди. Бу талабаларга ортиқча вазифаларни юкларди. Жумладан, гурӯҳ талабаларининг алоҳида рўйхати, демографик маълумотлари билан, ҳар кунги дарс таҳлиллари, алоҳида кундалик юритиш ва ҳ.к.з. Талаба амалий фаолият билан шуғулланишдан кўра кўпроқ вақти ва энергиясини ёзув ишларига сарфларди. Бугунги ҳисобот бўлса ихчам шаклда тузилган бўлиб, унинг таркибига педагогик амалиёт талабларига жавоб берадиган барча бўлимлар киритилган. Талаба унда ҳар кунги бажарадиган ишларини ҳам, педагогика, психология, хусусий методика фанлари бўйича берилган топшириқларни ҳам амалиётдан узилмаган ҳолда қайд қила олади. Бу ўз навбатида талабага педагогик фаолиятни чукурроқ ўрганиш учун ҳам вақт, ҳам имконият яратади. Шу билан бир қаторда амалиётчи талабаларни ҳар кунлик бажарган ишларини амалиёт раҳбари томонидан назорат қилиб боришга имкон яратилади. Кундаликни амалиёт раҳбари ҳар кун имзолаб кейинги кун топширигини бериб боради. Олий таълим муассасалари томонидан амалиётнинг мужассамлаштирилган кундалик ва ҳисобот шакли китобча шаклида чоп эттирилади ва амалиётдан олдинги конференцияда талабаларга тарқатилади. Амалиётни рейтинг асосида баҳолаш мақсадида амалиёт бўйича талабаларнинг рейтинг картаси берилади. Рейтинг картада

бажариладиган иш номи, унга ажратилган максимал балл ва саралаш баллари рейтинг тўғрисидаги низом асосида тўлдирилиб борилади. II-педагогик амалиёт бўйича талабанинг рейтинг картаси 9-иловада келтирилган.

## **Педагогик амалиёт давомида олиб бориладиган ишлар мазмуни.**

### **1-ҳафта**

Амалиётнинг биринчи ҳафтаси талабалар учун мослашиш ҳафтаси бўлиб ҳисобланади. Талаба касб-хунар коллежи, унинг анъаналари, педагогик колектив билан танишади. Маъмурият ва ўқитувчилар томонидан талабалар бажариши лозим бўлган топшириқлар ва вазифалар белгиланади.

Амалиётнинг биринчи куни талаба касб-хунар коллежи директори ва касб-хунар коллежидан тайинланган амалиёт раҳбари билан сухбатдан ўтади. Биринчи ҳафта давомида талаба касб-хунар коллежи тарихи ва структурасини ўрганади, ўзига бириктирилган ўқув груҳи ва груҳ раҳбари билан танишиб, груҳ мажлисини ўtkазади. Касб-хунар коллежи ва груҳ раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар режасини пухта ўрганади. Касб-хунар коллежидаги машғулотлар ва тарбиявий ишларда иштирок этади. Ўқитувчи ва муҳандис-педагогнинг иш дастурларини ўрганади ва улар томонидан ўtkazилган тарбиявий тадбирларда қатнашиб, таҳлил қиласи. Кузатиш ва таҳлиллар қисқа холосалар шаклида кундаликда ёзиб борилади. Шу давр ичида талаба ўзига бириктирилган раҳбар-услубчилар ёрдамида амалиёт жараёнида бажарадиган ишларининг режасини тузади, тасдиқлатади.

### **2-ҳафта**

Талаба ўзига бириктирилган груҳ билан ҳар куни учрашиб, ўз фаолиятини маълум тартибга солади. Жумладан, талабалар ҳақида маълумотлар йигади, груҳ билан ўtkazadиган тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқади, коллеж ўқитувчилари дарслари ҳамда тарбиявий соатларида иштирок этиб, уларни таҳлил қиласи, груҳ ўқувчилари ва улар ўртасидаги муносабатларни ўргана бошлайди, ўз грухида тарбиявий ишлар ўtkazadi ва ўртоқлари ўtkazaётган тарбиявий ишларда иштирок этиб, уларни таҳлил қиласи. Психология фанидан бажариши лозим бўлган топшириқ, яъни талабаларга психологик-педагогик

тавсифнома ёзиш мақсадида 2та ўқувчини танлаб, уларнинг оиласда тарбияланишининг аниқ шарт-шароитларини алоҳида ўрганишни бошлайди. (Талабалар билан маълум ишларни олиб бориш учун фойдаланиш мумкин бўлган методикалар амалиёт бўйича ишлаб чиқилган алоҳида методик кўрсатмада мавжуд).

Кузатиш ва таҳлиллар қисқа хуносалар шаклида кундаликда ёзид борилади.

### **3-ҳафта**

Талаба ўзига биритирилган груп билан алоқани узмай, ўз фаолиятини давом эттиради. Иккинчи ҳафтада олиб борилаётган ишлар давом эттирилади. Унга қўшимча сифатида групда социометрик сўров ўтказилади, режалаштирилган тарбиявий тадбир ташкил қилинади, 2 нафар талабага психологик - педагогик тавсифнома ёзид тугатилади. Ўзи ўтказган назарий дарслар ва тарбиявий соат таҳлилини расмийлаштиради. Касб-хунар коллежи ўқитувчилари тарбиявий соатларини кузатиб, ёзган таҳлилини расмийлаштиради.

Кузатиш ва таҳлиллар қисқа хуносалар шаклида кундаликда ёзид борилади.

### **4-ҳафта**

Иккинчи ва учинчи ҳафтада олиб борилаётган ишлар давом эттирилади. Груп раҳбари, муҳандис-педагог билан доимий ҳамкорликда бўлиб, талабалар ижтимоий ҳаётида иштирок этади, жумладан, турли шанбалик ва ободонлаштириш ишларида талабалар билан биргаликда фаол иштирок этади. Бу фаолият нафақат тўртинчи ҳафта, балки бутун амалиёт давомида амалга оширилади. Груп билан ўз фаолиятининг якуни бўйича мажлис ўтказади. Групга психолого-педагогик тавсифнома ёзид тугатилади.

Талаба ўзи тайёрлаган психолого-педагогик тавсифномалар ва кузатишларига асосланиб тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ёзади. Ҳисботини якунига етказиб, колледж раҳбариятидан ўз амалиёти натижалари бўйича тавсифнома олиб, ҳисботини химоя қилади.

## **Гурух бурчагини тузиш**

Амалиёт давомида талабалар томонидан гурух бурчаги тузилади. Гурух бурчагида талабалар рўйхати, дарс жадвали, навбатчилик рўйхати, тарбиявий ишлар бўйича мавзуларнинг номлари, амалиётчиларнинг вазифалари каби маълумотлар ўз аксини топади. Гурух бурчагининг тахминий схемаси 11-иловада келтирилган.

## **II. БОБ. АМАЛИЁТЧИ-ТАЛАБАГА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ ЁРДАМ.**

### **2.1. Мустақил таълимни ташкил қилиш йўллари.**

Фан, техника, технологиялар, ишлаб чиқаришнинг, шунингдек улар билан бирга маънавий дунёқарашнинг тез суръатларда ривожланиб бориши инсонни шундай шароитга қўймоқдаки, тез-тез унга янгир масалалар ва вазифаларни ҳал этишга тўғри келмоқда, уларнинг пайдо бўлиши эса кўра олиши мумкин бўлганларнинг бир қисмигина ёки унинг учун умуман кутилмаган нарса бўлиб чиқмоқда. Янги фаолият, янги меҳнат шароитида онгимизни узлуксиз қайта шакллантиришимиз, юзага келган шартлардан воз кечиш ва уларни тегишли ўзгарган шартлари билан бирга ижодий ишланмаларга алмаштириш талаб этилмоқда. Ижодий меҳнат ўзининг янгилиги, оригиналлги, аҳамиятлилиги ва қиймати билан ажралиб турувчи фаолият маҳсулотини яратишга олиб келади.

**Ўзини ривожлантириб боришга эҳтиёж** – ўзига ўзи катта қадр-кимматни намоён этувчи баркамол шахснинг асосий ташкил этувчисидир. Ўзини ривожлантириб бориш инсоннинг узок умр қўриш манбаидир: *жисмоний, шахсий, ижтимоий*.

XXI аср олий таълими ҳақидаги умумжаҳон декларациясмд (Париж, ЮНЕСКО, 1998 й.) шундай дейилади: «*Таълим олувчини янги нарсани лойиҳалашибариш ва яратса олишга ўргатиш жуда муҳитмдир. Лекин уларнинг ўзларини ривожлантиришлари учун ўз шахсий фаолиятларини ижодий лойиҳалашибаришга ўргатиш янам мухимроқдир. Шу нарса зарурки, таълим муассасаси таъламга нисбатан қизиқиши уйғота олсин, ўқишидан қониқиши олишга ўргата олсин, ўрганиши имкониятларини яратса олсин, қизиқувчалигини ривожлантира олсин*».

XXI асрда таълимини ривожлантириш модели кўп жиҳатдан анъанавий таълим фаолиятидан **мустақил таълимга** кўчишни кўзда тутувчи таълим парадигмаларнинг алмашиниши билан боғлиқ. Парадигмаларнинг бундай алмашиниш шартлари қуйидагилардир:

- *нормал ишловчи иқтисодиёт;*
- *компьютер ва ахборот технологияларни қўлловчи информацион жамиятга ўтиши;*
- *самарали ишловчи ижтимоий таълим институти;*

- мустақил таълимнинг ҳақиқий шакларининг мавжудлиги ва ҳаракатдалиги.


Информацион жамиятга ўтишда нафақат малакали кадрлар тайёрловчи ва балки ишлаб чиқаришни янги билимлар билан таъминловчи олий таълимнинг роли, аҳамияти ва тарқалиши тез суръатда ортади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқиши, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга катта эътибор қаратилган.

Вазирлар Махкамасининг 16 август 2001 йил № 343-сонли қарори билан тасдиқланган Олий таълимнинг давлат таълим стандартларида барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланган. Кундузги ўқиши шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланган. Ҳозирги кунда эса аудитория машғулотларининг ҳажми ҳафтасига 28 соат қилиб белгиланди ва 2008-2009 ўқув йилидан амалда қўлланила бошланди. Назарий таълим 65-70 % дан 51-63 % га туширилди. Яъни бу аудитория машғулотлари билан аудиториядан ташқари машғулотлар миқдори (аудитория машғулоти 28 соат, аудиториядан ташқари 26 соат) қарийб tengлашганлигини билдиради ва улар учун ажратиладиган маблағ миқдорини қайта кўриб чиқиши тақозо этади. Бу билан аудиториядан ташқари, яъни мустақил таълим ресурсларини яратиш долзарб масала эканлигини яна бир бор ўйлаб кўришимиз лозимдир.

Ушбу монографияда юқорида келтирилган саволларга жавоб бопиши билан бир қаторда мустақил таълим мақсади ва мазмуни, мустақил таълимни ташкил этиш; мустақил таълимни бажариш усуллри; мустақил таълим ахборот ресурс манбалари ва мустақил таълимни баҳолаш усуллари тўғрисида фикр юритилади.

Мустақил таълимнинг ташкил этиш ва бошқаришнинг мантиқий тизимини шакллантириш ҳамда амалга ошириш концепцияси яратилган.



## *Мустақил таълимнинг долзарбилиги*

XXI асрда – ахборот (информацион) технологиялар асрида – мустақил таълимнинг салмоғи ва роли тез суръатда ортиб боради, бу эса ахборотлар билан ишлашда **янги билимларга эга бўлишга** имкон беради. Мустақил таълим инсоннинг турли хил фаолиятларининг ажralmas қисмига айланмоқда, аста-секин доминантли ўринни эгалламоқда. Фақат матнли ахборотни намоён этувчи «*китоб*» тарзидаги мустақил таълимдан комплекс ахборотларга (матнли, графики, аудиовизуал) эга бўлишни таъминловчи «*экран*» тарзидаги мустақил таълимга ўтиш бунга имкон беради. Янги ахборот ва коммуникатив воситалар турли хил ахборотларга кенг кўламли ва тез имконият яратган ҳолда ҳаётимизнинг кўпгина: илмий, таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий, бошқарув ва бу соҳаларидаги мустақил таълим жараёнини фаоллаштиради.

Мустақил таълим қўйидагиларга йўналтирилган:

- *мустақил таълимнинг ривожланиши билим, ўқув ва кўникмаларга эга бўлишнинг асосий механизмларидан бири сифатида қаралувчи Янги ўқув технологияларини (шу билан бирга кредит технологиясини) таълим жараёнига жорий этиши заруратини тақозо этади.*

*Мустақил таълимн ривожлантиришида ижстимоий, иқтисодий, ахборот ва бошқа шартлар ётади.*

### **Шахсни ўқишига ўргатиш лозим.**

Бу ҳар бир таълим олувчини ахборот-маълумотларга эга бўлиш ва қайта ишлаш услубиётига, яшатиш ва ўқишида ўқиши усуслари, ёзмалар киритишга, ўзини тайёрлаш, ташкиллаштириш принципларига, янги ахборотларни таҳлил этишда билимлардан фойдаланишга, ўзлаштирганлигига ўзини-ўзи назорат этишига ва ахборотларни алмаштириш техникасига ўргатишни билдиради.

**Ўқишида мустақиллик** (билиш, тафир этишда мустақиллик) билиш, тафир этиш жараёнларини ва барча ўқув фаолиятини фаоллаштиришнинг зарурий шартларини ўзида мужассам этади, бир вактнинг ўзида доимий ва тез ривожланиб бораётган билимлар, техника, технологияларнинг янгиланиб бориши, маънавият ва маданиятнинг ривожланиши, адабиёт ва санъатнинг такомиллаштиб бориш шароитида шахсни ҳаётга ва меҳнат қилишга тайёрлашнинг йўлларидан бири ҳисобланади.

## *Мустақил таълимнинг бугунги кундаги ҳолати*

Мустақил таълим Республикасига ОТМ ларида бошланғич босқичларда. Меъёрий жиҳатдан («Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш ҳакида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги № 343 сонли қарори)да фақат умумий кўрсатмалар берилмоқда: «*Таълим дастурларини ўзлаштиришида талабаларнинг мустақил таълими ўқув фанлари масалалари ва муаммолари қаторида кўзда тутилмоғи лозим*».

*Мустақил таълимнинг бугунги кундаги реал ҳолатига келсак, унинг механизмлари ва инструментлари (ташиклий, психолого-педагогик, ўқув-услубий, ахборот, моддий-техник ва бошқалар) энди ишлаб чиқилмоқда. Бир сўз билан айтганда вазифалар, реферат ва курс ишлари (лойиҳалар) ни бажариши, лаборатория ва амалиёт машгулотларига тайёргарлик ва б. билан боғлиқ бўлган анъанаваий талабанинг мустақил иши амалга оширилмоқда. Ушбу кўринишдаги мустақил ишлар мустақил таълимнинг талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун аниқ мақсад ва вазифалар қўйилмоғи зарур, шунингдек мустақил таълиминг барча механизм ва инструментларини тизимили ишлаб чиқши ва амлга оширии лозим.*

Олий таълим тизимида мустақил таълим талабаларнинг билим олишдан мақсадлари ва шу мақсадларга қандай эришишлари ахборот ресурслардан фойдаланилган ҳолда амалдаги ўқув дастурлари доирасидаги материалларни қандай ўзлаштиришлари бўйича мустақил қарор қабул қилишлари назарда тутади.

Мустақил таълим – бу талаба ўзи қабул қилаётган ечимлар орқали ўқишига бўлган иштиёқини ва талабини қондиришидир. Мустақил таълимга жалб этилган талаба ўз билими бўйича ўзи қарор қабул қилишига тайёр бўлиши, ўқитувчи талабани таълим олишдаги шхсий интилишларини рафбатлантириши ва тўғри йўналтира олиши лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гурӯҳ билан биргалиқда ишлайдими; ўз вактини ахборот-ресурс марказида ўтказадими; ёки Интернет тармоғидаги эленктрон ресурслардан фойдаланадими; ёки ўқитувчи раҳбарлигига аудиторияда ишлайдими; қандай қилиб самарал ишлашини ўзи танлаши керак. Ўқитувчи эса ўз навбатида талабаларини чуқур ўрганиши, уларни изланишлари бўйича тадқиқот олиб бориши, материалларн

ўзлаштиришлари бўйича қўшимча манбалар излаб топиши ва ҳар бир талабага салоҳиятига қараб индивидуал ёрдам кўрсатиши лозим.

Баъзан мустақил ҳолда ўқиши ва мустақил таълим олиш тушунчалари адаштирилади.

Мустақил ҳолда ўқиши расмий ўкув жараёнидан ташқарида кечади. Яъни муайян ўкув юртига бормай туриб, уйда ишдан ажralмган ҳолда мустақил, индивидуал ҳолда ҳам таълим олиш мумкин. Ушбу ўкув шаклини ташкил этилиши касб-хунар коллажларини битириб ўз мутахассисликлари бўйича ишлаётган ва келажакда олий маълумотли бўлиш, етук мутахассис бўлиб етишиш истагидаги ёшлар учун қулай шароит яратиш демакдир. Ушбу масалага яна қайтамиз.

### ***Мустақил таълимни ташкил этиши***

Мустақил таълимни ташкиллаштиришда талабалар учун қуйидагилар асосий ҳисобланади:

- фикрлаш қобилиятини ривожлантириш (психологик асослар бўйича);
- амалий қобилиятни юксалтириш (мутахассислик асослари бўйича);
- ташкилий-техник билимларни қўллашни ва маҳоратни юксалтириш (маҳоратни ортириш орқали);
- илмий ташкиллаштириш (таълимда ўқишини давом эттирувчи иқтидорли ёшларни тарбиялаш орқали).


Мустақил таълим ташкиллаштиришга педагогик муаммо сифатида қаралса унда ўқитиш маркетинги ташкилий, услугубий ва тарбиявий нуқтаи назарларни ўз ичига олади.

*Мустақил таълимнинг самарали ташкилий-услубий таъминотининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:*

- мустақил таълимни анъанавий ўқиши ва илмий-тадқиқот ишлари билан узвий ва узлуксиз ўзаро алоқасини яратиш;
- мустақил таълимдан фойдаланиш эҳтиёжини белгиланган масалани ҳал этиш, ўзининг касбий ва маънавий қизиқишиларини қондириш воситаси сифатида шакллантириш;
- мустақил таълимни педагогик ва шахсий бошқариш (жамоа ва индивидуал тарзда);
- мустақил таълимнинг ахборот ресурсларига кенг ва тезкор имкониятни таъминлаш;

- мустақил таълимнинг самарали технологияларини ва унинг сифати устидан амалий назоратни қўллаш.

Мустақил таълимда талаба ва ўқитувчининг ҳаракатлари қўйидаги схема бўйича бажарилиши лозим:



*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ўқув-тарбиявий жараёнга тизимили ёндошиши ҳисобга олган ҳолда кўрсатилган чора-тадбирлар комплексининг бажарилишии кадрлар рақобатбардошлигининг гарови бўлиб хизмат қиласди.*

Ташкилий жиҳатдан ўқитувчи ва талабадан мустақил таълимни аниқ ташкиллаштиришни талаб қиласди. Информацион-ахборотлар даври тез ривожланиб бораётган бир даврда нима учун ўқув юртларида барча талабалар ҳам иқтидорли, илмни ўзлаштира оладиган, мустақил фикр юрита

оладиган бўлиб етишмайди? Ушбу соҳада мулоҳаза юритадиган бўлсак билим берувчи ва билим олувчи, яъни талабаларни алоҳида ўрганишимиз керак бўлади. Мустақил таълимни олиб бориш ўқитувчидан аудитория соатларини олиб боришга қараганда ўзгача аҳамият касб этади. Баъзи ҳолларда мустақил таълимни маъruzachi, ўқитувчи (амалий, тажриба машғулотларини олиб борувчи) лар яхши олиб боролмасликлари мумкин. Мустақил таълимни ўз соҳаси бўйича касб соҳиби бўлган, ўз фанини севадиган, бошқа фанлар билан боғлай оладиган ҳамда педагогик маҳоратга эга бўлган, ҳар бир талабани қадрлайдиган, талаба фикри, қизиқиши, таклифини инобатга оладиган ўқитувчилар олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Унинг асосий вазифаси фақатгина билим ва кўникма бериш эмас, балки билим ва кўникмаларни эгаллашида ўзларини шахсий йўлларини топишга кўмаклашишдир. Унинг устувор вазифасидан бири – талабаларга таълим олишида шундай стратегияни шакллантириши керакки, талаба ўқитувчисиз ҳам ўзи билим олишни ҳал қила олсин.

Мулоҳазамизни иккинчи иштирокчиси бу талаба қандай бўлиши керак. Ҳар бир талаба ўқитувчи томонидан юқорида келтирилган хусусиятларни қадрлашини ва унга жавобан ўз муносабатини шакллантиришини эсда тутишимиз лозим. Талабани қуйидаги хусусиятларини англаш етмоқ, ўрганмоқ керак:

- билим олишга эҳтиёжини;
- ҳаётий тажрибасини;
- қадрият ва эътиқодини;
- интеллектуал маҳоратини;
- билим олишга ёндашувини;
- ўқишига иштиёқини;
- феъл-авторини;
- маълумотларни қабул қилиш қобилиятини;
- тарбиясини;
- тил билишини;
- компьютер саводхонлигини;
- эсда сақлаш қобилиятини.

Тарбиявий жиҳатдан ўқитувчи томонидан талаба мустақил таълимини ташкиллаштиришга катта аҳамият берилиши билан асосланади. Мустақил таълим ташкил этишда қуйидаги тамойиллардан фойдаланади:

- ўқитишининг тарбиявийлги;
- ўқитишининг илмийлиги;
- ўқитишига тизимли ёндашув;
- назария билан амалиётни боғлиқлиги;
- талабаларни онглилиги ва фаоллиги;
- ўқитишининг кўргазмалилиги.

Услубий жиҳатдан мустақил таълимни ташкил этиш аудитория машғулотлари хажми учун бажариладиган ишлар билан teng ва унданда юқори бўлиши кўзда тутилади.

Мустақил таълимни асосий элементларидан бири талабаларни ўқитишида ташқи ва ички назоратни ўрнатишдан иборатдир. Ташқи назорат шакли сифатида таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув жараёнини баҳолаш мезонлари, ўқув ахборот ресурсларини яратилиши ва ўқитувчиларни малака оширишлари инобатга олинса, ички назорат шакли сифатида талабанинг қизиқиши, ўқув ҳолати, бандлик ҳолати, ижтимоий ҳаёти ва ўқув жараёнининг маркетинги ўрганилади.

Мустақил таълимни услубий жиҳатини ташкиллаштиришда куйидагилар инобатга олиниши мақсадга мувофиқ:

- ижодий таълим марказини ташкил этишга;
- педагогик технологияларга;
- ўқитиши информацион-ахборот манбалар базасига;
- мустақил таълимни қўллаб-қувватловчи билимларни баҳолаш тизимига;
- кафедралар билан иш берувчиларни ижтимоий ҳамкорлигига;
- бозор иқтисодиётини таъсирини кучайиб боришига;
- замонавий техник таъминотни янада кучайтиришга;
- ўқув жараёнини бошқаришда демократик тамойилларга ёндашувга;
- бошқарув звеноси томонидан янгиликларни қўллаб-қувватлашга.

## ***Мустақил таълимни бажарииш усуллари***

Фанларни хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил таълимни бажарилишини технологик харитасини қуидаги шаклда тузиш тавсия этилади.


### ***Мустақил таълимни бажариишнинг технологик харитаси***

| № | Мавз<br>у<br>номи | Ажратил<br>ган соат | Мавзунинг<br>ўрганиладига<br>н таянч<br>иборалари | Бажариладига<br>н топшириқ<br>бажаришнинг<br>усуллари ва<br>шакллари | Ахборот<br>-ресурс<br>манбаи | Кутилаётга<br>н натижа |
|---|-------------------|---------------------|---------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|------------------------------|------------------------|
|   |                   |                     |                                                   |                                                                      |                              |                        |

Мустақил таълим мавзулари фан дастуридаги маъруза, амалий (семинар), тажриба дарсларида олинган билимни тўлдириш, мустаҳкамлаш вазифасини бажариб, фан координатори – ўқитувчилари томонидан тузилади ва кафедра йиғилишида кўриб чиқилади.

Ишчи ўқув режасидаги мустақил таълимга ажратилган соатни тақсимоти мавзуларни ўрганиш, бажариш шаклларига, топшириқни қийинлик даражасига боғлиқ.

*Бир кунда талаба томонидан бажариладиган мустақил таълим схемаси*



Ҳар бир талабани максмал шуғулланиш вақти бир кунда 3 соат, бир ҳафтада 18 соатни ташкил этади.

Бир кунда талаба 3 та фандан аудитория машғулотига иштирок этса, фанларни қийинчилик даражасига қараб, энг қийин мустақил топшириғи кўп бир фанни қўшимча жадвал асосида аудиторияда ўқитувчи иштирокида, иккинчи фанни АРМда ва учинчи осонроқ фанни уйда мустақил бажариши мумкин.

## *Мустақил таълимнинг шакллари*

Мустақил таълимнинг каттагина турли хил шакллари мавжуд бўлиб, талаба ўқитувчилар билимларни, ўкув ва кўникмаларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида бажара олади, ушбу шаклларга куйидагилар тегишлидир:

**1. Дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиши** (уларнинг етарлича миқдорда мавжудлигига). Бундай ташкилий шакл одатта кўра амалий жиҳатдан мустақил таълим тажрибасига эга бўлмаган биринчи курс талабалари учун мақсадга мувофиқдир. Бу ишларнинг натижалари бажарилган рефератлар, индивидуал топшириклар ва боблар бўйича семинарлар ёки колловиумларда текширилади.

**2. Тарқатма материаллар бўйича маъruzalar қисмини ўзлаштириши,** бу эса ўқитувчи учун асосий материални баён этишга катта эътибор ажратишга имкон беради. Тарқатма материал ҳар бир маъруза учун тайёрланади. Мустақил таълимнинг бундай ташкилий шакли умумкасбий ва маҳсус фанлар учун одатта кўра юқори курс талабалари учун мақсадга мувофиқдир. Ушбу ишларнинг натижалари тегишли аттестация босқичларида текширилади.

**3. Автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишиш,** бу эса маъруза машғулотлари доирасида ҳам, лаборатория ишларига ёки амалиёт машғулотларига тайёргарлик доирасида ҳам олиб борилади. Мустақил таълимнинг бундай шакли барча курс талабалари учун мақсадга мувофиқ бўлиб, ахборот технологиялар кенг қўлланиладиган ОТМларида ҳам мумкин.

**4. Маҳсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишиш:** ҳисоблаш график топшириклар ёки рефератлар, курс ишлари ёки лойихалар, битирув малакавий ишларини бажаришда. Мустақил таълимнинг ушбу ташкилий шакли барча курс талабалари учун мақсадга мувофиқдир. Унинг натижалари тегишли рейтинг – назорат босқичларида текширилади.

**5. Янги техникаларни, аппаратурларни, илм талаб жараёнлар ва технологияларни ўрганиши:** млакавий амалиётлар ўтказишда, тадқиқотларда иштирок этишда, ишлаб чиқариш буюртмаси (реал) муайян ишланмаларни бажаришда. Бу иш шакли таълимнинг ишлаб чиқариш ва илмий текшириш

институтлари (ИТИ) билан интеграциясида бўлиши мумкин. Натижалар ҳисоботлари қабул қилишда текширилади.

**6. Талабаларнинг ихтисослаштирилган конструкторли бюроси (МБ) ёки ички корхоналардаги ишлари:** ўқитувчи ёки мутахассислар раҳбарлигига давлат бюджетидаги ҳам ОТМнинг хўжалик шартномаси асосидаги мавзулари доирасида. Мустақил таълимнинг ушбу шакли одатга кўра юқори курс талабалари учун характерлидир.

**7. Талабанинг илмий текшириши ишларини (ТИТИ) бажарииш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларини чуқур ўрганиши.** Мустақил таълимнинг бу шакли барча курс талаблари учун мақсадга мувофиқдир.

**8. Фаол ўқитиши услубидан фойдаланиладган ўқув машгулотлари** (хизмат ўйинлари, дискуссиялар, семинарлар, колловиумлар ва б.), талабалар томонидан фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ва маданият долзарб муаммолари бўйича тайёрланган.

#### **9. Масофавий (дистанцион) таълим.**

Мустақил таълимда бажариладиган топшириқлар ва унинг бажариш усуллари ва шакллари фан хусусиятидан келиб чиқиб қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин.

*Ёзма иши* – талаба берилган мавзуни мустақил ўрганиб ўз фикрини ёзма иш шаклида баён этади (конспектлаштиради);

*Тестлар* – талаба берилган мавзуни мустақил ўрганиб мавзуга тааллуқли тестларни тузади;

*Лаборатория ҳисоботлари* – талаба аудиторияда бажарилган лаборатория тажрибалари натижалари бўйича ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ҳисбот шаклда тайёрлайди.

*Реферат* – маъруза, семинар машгулотда ёритилган саволлар бўйича, кўшимча манбалардан ўқиб ўрганган билимини ёзма намоён этади ва келгуси семинар машгулотига ҳимоя қилиб айтиб беради.

*Схема чизиш* – талаба мавзуга тегишли схемаларни адабиётлардан, Интернет янгиликларидан олиб чизиб келади ва тушунтириб беради.

*Модел намуналарини тайёрлаш* – мавзуга тегишли расмлардан, схемалардан фойдаланиб алоҳида детал ёки узелларни, қисмлрни моделини тайёрлайди.

*Масала ёки мисол ечиши* – мавзуга тегишли бўлган бир неча мисол ва масалаларни уй топширифи асосида ўрганиб ечиб келади.

*Анжумага тайёргарлик қўриши* – тегишли мавзу бўйича илмий иш натижалари асосида мақола тайёрлаш ва анжуманларга маъруза қилишга тайёрланиш.

*Оғзаки тайёргарлик* – мавзуга тегишли саволларга тайёрланиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва назорат саволларига аниқ жавоб бериш қоибилиятини шакллантириш.

*Плакат (кўргазмали қурол)* – мавзу бўйича расм ёки схемаларни плакатда акс эттириш. Топшириқни дарсда айтиб беришда плакат кўргазмали қурол сифатида фойдаланилади.

*Лойиҳа* – маълум бир мавзу бўйича топшириқни семестр давомида бажариб борилади. Лойиҳани бажарилиши керак бўладиган қисмлари юқорида келтирилган мустақил таълим шакллари ҳолида ҳам бажарилиши мумкин. Лойиҳа фан якунланиш арафасида ҳимоя қилинади ва алоҳида баҳоланади.

### ***Мустақил таълим ахборот- ресурслари манбаи***

Мустақил таълимни самарадорлиги таълим дастурининг мазмунининг узвийлиги ҳамда уни ахборот- ресурс манбаи таъминоти ва ўқув фаолиятининг самарадорлигига боғлик.

Мустақил таълимда қандай ресурслардан фойдаланиши қўйидаги ўқитиши маркетингида намоён этилади:

- ўқитиши мотивацияси
- ўқув-услубий таъминот
- ташкилий таъминот
- лаборатория ва амалий машғулотларнинг моддий техник базаси
- илмий база
- информацион мухит
- назорат самарадорлиги
- электрон таълим ресурслари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июнь 2006 йилги №ПК-381-сонли Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги қароридаги ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари:

- таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига қўмаклашиш;
- миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;
- янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;
- маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданий марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш этиб белгиланган ушбу қарор мустақил таълимни ахборот ресурслари манбаи билан таъминлашда кенг йўл очиб берадиким, ҳар бир мустақил тайёрланаётган талаба ўзига берилган топширикларни тўлиқ бажаришига имкон яратди.

Фан дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш, мавзуларни тўлиқ ўзлаштирилиши учун ўқитувчилар ўз фанидан ўқув-услубий мажмуани яратиб ахборот-ресурс маркази базасига, «ZiyoNET» тармоғига жойлаштиришлари лозим.

### *Мустақил таълим принциплари*

**Мустақил таълимнинг биринчи асос бўла оладиган принципи** – бу ўқув-тарбиявий жараённи лойиҳалаштиришда ҳам, амалга оширишда ҳам унинг **тизимлилигидир**. Мустақил таълим материали – бу бир бутун ўрганилувчи фаннинг (ёки курснинг) қисмидир. Фаннинг ўқув дастурида режалаштирилган бўлиши ва унинг учун тегишли ўқув-услубий таъминот ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Ўқув-тарбиявий жараённи амалга ошириш босқичида учта кўринишдаги бошқарувни: **маъмурий, педагогик ва таълим олиши**

*субъектларини ўз ичига олувчи мустақил таълим бошқарувга **тизимли ёндошиш** зарур.*

**Маъмурий бошқарув-** мустақил таълимнинг ташкилий, моддий-техник ва ахборот таъминоти билан боғлиқ бўлиши керак;

**педагогик бошқарув** – консультациялар, назорат ва мустақил таълим сифатини баҳолаш;

**таълим олиш субъектлари бошқаруви** – мустақил таълимни ташкиллаштириш мотивацияси ва шакллари билан.

**Мустақил таълимнинг иккинчи асос бўла оладиган принципи** – бу талабаларнинг мустақил таълимдаги мақсадга эришишга рағбатлантириш мотивацияси. Мотивация талабада мустақил таълим жараёнига нисбатан касбий, иқтисодий, тариф этиш, маънавий ва бошқа қизиқишларни уйғотиши лозим. Муаммони (вазифани) ҳал этиш хоҳишининг мавжудлиги, пайдо бўлган саволга жавоб топиш – бу мустақил таълимда муваффақиятга эришишнинг зарурый шартидир.

*Мустақил таълим натижаларга касбий мотивация омили аҳамиятли таъсир кўрсатади, бу эса касбга нисбатан ижодий муносабатда бўлишида муҳим рол ўйнайди. Агар талаба касбни онгли равишда танласа ва уни ўзи ва жамият учун маъқул деб топса, у ҳолда ўқишига нисбатан тасодифан ва англамаган ҳолда касб танлаганига қараганда бошқачароқ (яхшироқ) муносабатда бўлади.*

Шунинг учун ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидан бири (ҳам умумкасбий, ҳам маҳсус фанларда) битирувчининг муайян амалий фаолияти учун табиий илмий ва гуманитар фанларнинг аҳамиятини аргументли тарзда тушунтириб бершиидир. Бироқ, касбга нисбатан ижобий муносабат ўзидан ўзи аҳамият касб этмаслиги мумкин, агар касб ҳақида лаёқатли (компетент) тасаввур билан мустаҳкамланмаса. Бу тасаввур лаборатория ишлари ва амалий машгулотлари бажаришида, малакавий амалиётлар ўтиш ва бошқаларда шаклланади.

*Талабаларнинг танлаган касбларига бўлган муносабатлари муаммоларини ўрганишида қуйидаги масалаларни қараши зарур:*

- касбнинг қониқарлилигини;
- дарсдан дарсга бўлган қониқиши динамикасини;

- қониқиши шакллантиришга таъсир этувчи омиллар (*ижстимоий-психологик, психологик-педагогик, дифференциаллик-психологик, шу жумладан жинси-ёши*);
- танланган касбга нисбатан ижобий ва салбий муносабатни белгилаб берувчи мотивлар иерархиясини;
- ўқитиш технологиялари ва услубларини.

**Мустақил таълим дидактикаси** – бу учинчи принцип бўлиб, мустақил таълимда ўқишининг мақсади, мазмуни, қоида ва услубларини белгилайди. Мустақил таълим бош, юрак, қўл, кўз ва қулоқлардан (ўқитувчи-маслаҳатчиларнинг ахборотлари) фойдаланувчи **фаол билиш моделида** мужассам бўлиши лозим. Бош – фикрлаш учун, юрак – хис этиш учун, қўллар эса иш учун керак.

Агар ўзи таълим оловчи ўқийдиган, кўрадиган ва бажарадиган бўлса, у ҳолда ўзлаштириш жараёни бош миянинг турли қисмларида фаолият кўрсатиши натижасида тўла бўлади. Мустақил таълимнинг ўқув-услубий таъминоти айнан шундай бўлиши лозим.

Мустақил таълимга икки асосий ёндошувни белгилаш зарур:

1. Таълим оловчиларда ноанъанавий масалаларни ҳал этиш асосида ётuvчи билимларни шакллантириш. Ушбу ҳолда билиш (тафар этиш) фаолиятчилар учун янги бўлган фаолият тажрибасини аввал ўзлаштирилган, шакллантирилган тажриба базасида билимларни, ўқув ва кўникмаларни кузатиши йўли билан тўплаш ва намоён этишдан иборадир.

2. Ижодий фаолият учун замин яратиш. Бунда билиш фаолияти маъноси ўрганилаётган объектнинг туб маъносига чукур кириб боришдан, илгари маълум бўлмаган принциплар, ғояларни шакллантириш, янги маълумотларга эга бўлиш учун зарур бўлган янги алоқалар ва муносабатларни ўрнатишдан иборат.

**Мустақил таълимнинг тўртинчи асословчи принципи** – бу олинган билим, ўқув ва кўникмаларни *тизимли назорат* этиши ва баҳолаш бўлиб, фанлар (ёки дарслар) бўйича билим, ўқув ва кўникмаларнинг бир бутунлигининг қисмидир.

**Тизимли назорат** – бу юзага келувчи муаммоларни улар жиоддийлашиб кетмасидан олдин кўра билиш ва ҳал этиши учун зарур бўлган – қайта (тескари) алоқадир. Мустақил таълимни ўз ичига оловчи ўқув тарбиявий жараёнда (ЎТЖ) да ушибу қайта алоқа қуийдагилар учун мўлжалланган:

- таълим олувчиларнинг режаласирилган ўқув мақсадларини ўрганишида эришган ютуқларини аниқлаш ва баҳолаш;
- ўқишининг паст натижалари сабабларини аниқлаш;
- ЎТЖнинг боршини баҳолаш ва камчиликларни бартараф этиши бўйича тузатиш ҳаракатларини ишлаб чиқиши.

## **2.2. Мустақил таълимни ташкил этишда талабалар билимини баҳолаш бўйича умумий талаблар.**

Маълум бир фанни ўқитищдан олдин, талабалар шу курснинг сўнгидагималарни ўрганишларини ифодалашдан бошлаган яхши. Одатда бу маълум бир билим ва кўникмалар рўйхати сифатида бўлиши мумкин. Талабалар билимини баҳолашга тайёргарликнинг кейинги босқичи баҳолашнинг тегишли усули (шакли)ни ташлашдир. Масалан сиз талабаларингизни тадқиқот олиб боришига ўргатаётган бўлсангиз, баҳолаш шакли сифатида лойиха олиб бориши мумкин. Талабанинг ўз нуқтаи-назарини ифодалashi ва уни исботлаш маҳоратини текшириш учун оғзаки презентациялар қўл келади. Агар сиз талабанинг у ёки бу соҳани билишини текширмоқчи бўлсангиз рефератдан фойдаланиш мумкин. Иншолар ёрдамида талабаларнинг ўз фикрларини ёзма баён қила олишларини текширса бўлади. Сўнгра ҳар бир баҳолаш шакли учун баҳолаш мезонлари тузилади (талаба қайси ҳолларда “аъло”, “яхши,” “қониқарли”, баҳо олиши мумкинлигини кўрсатувчи тизим). Барча босқичларни ўрганганингиздагина сиз нимани қандай баҳолашингиз кераклиги ҳақида, сиз қанчалик ҳаққоний эканлигиниз тўғрисида ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Бу жараён, жумладан баҳолаш мезонлари ҳам шундай тузилган бўлиши керакки, у ҳамма учун – сизнинг супервайзерларингиз, бошқа ўқитувчилар, талабаларингиз учун тушунарли бўлиши зарур. Шуни қайд этиш лозимки, агар талабангиз сиз қўйган баҳодан норози бўлса, баҳолаш мезонлари ёрдамида сиз нима учун у ёки бу баллни қўйганингизни исботлаб бера оласиз.

Текшираётганда шуни ёдда тулингки, электрон таълим ресурслари ривожи билан талабалар плағиати (кўчирмакашлик) номли муаммо авж олмоқда. Бунда талабалар реферат курс, диплом ёки бошқа малакавий ишларни ўzlари бажармай Интернетдан кўчиришмоқда. Бизнинг юқори технологиялар ва деярли барчанинг интернетдан фойдаланиш имкони бўлган давримизда текширилаётган ишнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Агар талаба ишни ўзи ёзганлигига шубҳалансангиз ҳамда Интернетдан фойдаланиш имкони бўлса, текшириб қўришга эринманг.

Плағиат жуда жиддий академик қоидабузарлик ҳисобланади, шу боис бундай қоидабузар талабаларни аниқлаш учун барча кучни сафарбар қилиш керак. Шунда бундай талабалар сони қисқариб, талабалар эса ўз ишларига жиддий ёндошишларига туртки бўлиши ажаб эмас. Ёзма ишларни кўриб чиқишига сиз ушбу ишларни мустақил равишда бажаришга қанчалик тайёр эканлигини доимо ёдда тутишингиз лозим.

Талабаларнинг билимларини баҳолашнинг усуллари ҳақида фикр юритишдан аввал баҳолаш моҳияти ва мақсадларига мувоғиқ икки турдаги назоратга бўлиш мумкинлигини қайд этиш лозим. Биринчи турдаги назорат жорий назоратдир. Бунда талабалар ўқув материалини қанчалик ўзлаштирганлигини текширишга қаратилган бўлиб, унда асосий мақсад бутун семестр давомида талабалар ва ўқитувчи ўртасида мунтазам алоқа ўрнатишдадир. Бундай турдаги баҳолаш талабаларга қуйидагиларни белгилашга ёрдам беради:

- савиясини ўсиш даражаси;
- материални қанчалик ўзлаштирганлиги;
- қаерда камчиликлар борлиги, қайси масалаларга қўпроқ этибор бериш кераклиги;
- ўқув курси бўйича муайян билим ва қўникмаларни ўзлаштириш бўйича талабанинг ёндашуви қанчалик самарали эканлиги.

Қолаверса, ўқитувчи учун бу турдаги баҳолаш дарс бериш услубининг самарадорлигини, талабалар ўзлаштира олмаган муаммоли масалаларни

эртароқ аниқлашда кўмаклашади. Жорий назорат тури тез-тез ўтказилиб туради. Билимларни текшириш қанчалик тез-тез ўтказилса, талабаларнинг билимларидаги камчиликларни аниқлаш имкони шунча кўпаяди ва ўқитувчи ўқиши жараёнида бундай томонларга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қиласи. Аммо бунда ўқитувчини ҳаддан ташқари кўп текшириш учун ишлар билан банд қилиб қўйилса, ўқитувчи ўз ишини сифатли қилиши, талабалар билан самарали мулоқот ўрнатишга қийналиб қолиши мумкин. Талабаларни ҳам ортиқча вазифалар билан толиқтириб бўлмайди, шуни ёддан чиқармаслик керакки, талабаларда бир семестрда бир эмас бир нечта фан ўқитилади. Ўқув соати кам бўлган фанларни блок усулда ўқитиш ва семестр ярмига бориб баҳолаш орқали семестрдаги фанлар сони камайтирилади. Жорий назорат турларини оқилона тақсимлаш муҳим масала ҳисобланиб, катта эътибор талаб этади.

Талабалар билимини баҳолашнинг иккинчи тури Якуний назорат бўлиб, курснинг мақсадларига қанчалик эришганлиги, ўқитилган талабалар томонидан қанчалик ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Якуний назорат талабаларни ўзлаштира олган ва олмаганларга таснифлаш механизми ҳамдир. Бундай турдаги баҳолаш талабаларнинг расмий ҳолатига (стипендия миқдори, кейинги босқичга ўтиш-ўтмаслиги, академик даража олиш-олмаслигига ва б.) таъсир кўрсатади.

## **ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ШАКЛЛАРИ**

|                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                 |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Баҳолаш шакли                                                                                                    | Ушбу шакл ёрдамида баҳолаш мумкин бўлган билим ва<br>кўникмалар                                                                                                                                                                                 |
| Олдиндан эълон<br>қилинган саволлар<br>ёрдамидаги ёзма иш<br>- саволлари<br>имтиҳондан бир<br>қанча муддат аввал | -тақдиқот кўникмалари;<br>-манбалардан фойдаланиш маҳорати;<br>-тахлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти;<br>-маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти;<br>-қисқа муддат ичida ишлаш қобилияти;<br>-ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати; |

|                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                          |
|----------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| тарқатилади.                                                         | -маълумотни ёзма шаклда тўғри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати;                                                                                                                                                                                                   |
| Саволларга<br>техник, технологик<br>жихатдан тўғри<br>ёндошилганлиги | -исботлаш маҳорати;<br>-тез қарор қабул қилиш маҳорати;                                                                                                                                                                                                                  |
| Тестлар                                                              | -маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти;<br>-тифиз вақт шароитида ишлаш қобилияти;<br>-билимларни тадбиқ қила олиш қобилияти;<br>-билимларни синтезлаш маҳорати;<br>-билимларни тўғри талқин қилиш қобилияти;<br>-тез қарор қабул қилиш маҳорати;                          |
| Лаборатория<br>хисоботлари,<br>қайдлари                              | -кузатиш кўникмалари;<br>-синовлар ўтказиш кўникмалари;<br>-тахлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти;<br>-натижаларни талқин қилиш ва баҳолаш маҳорати;                                                                                                                     |
| Рефератлар                                                           | -маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш кўникмаси;<br>-танқидий баҳолаш;<br>-ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати;<br>-танқидий муҳокама қилиш маҳорати;                                                                                             |
| Хисоботлар                                                           | -маълумотни тадбиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш кўникмаси;<br>-танқидий баҳолаш;<br>-ўз фикрларини ёзма шаклда равон ифодалаш маҳорати;<br>-танқидий муҳокама қилиш маҳорати;<br>-билимларни амалиётга тадбиқ эта олиш қобилияти;<br>-натижаларни таҳлил қилиш қобилияти; |
| Оғзаки имтиҳонлар                                                    | -тўғри ва ишончли сўзлаш; талаффуз;                                                                                                                                                                                                                                      |

|               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |
|---------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|               | <ul style="list-style-type: none"> <li>-фирни қисқа муддат ичидә кенгайтирмоқ;</li> <li>-фанга тегишли билимлар;</li> <li>-одамлар билан тұғри мұомалада бўлиш кўникмалари;</li> </ul>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| Курс лойиҳаси | <ul style="list-style-type: none"> <li>-режалаштириш маҳорати;</li> <li>-ишни тұғри ташкил қилиш ва уни бошқариш қобилияти;</li> <li>-жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари;</li> <li>-масалаларни ечиш қобилияти;</li> <li>-ижодий маҳорат;</li> <li>-назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш қобилияти;</li> <li>-тахлил қила олиш қобилияти;</li> <li>-хисоботлар ёзиш кўникмалари;</li> <li>-графикаси;</li> <li>-техник, технологик масалаларни тұғри ечиш маҳорати;</li> <li>-бажарилган ишни ҳимоя қилиш қобилияти;</li> </ul> |

Юқорида келтирілган жадвалдаги ҳар бир баҳолаш шакли ўзига хос мақсадларга эга. Саводли ва малакали ўқытувчи ўқув йили давомида бу турли баҳолаш шаклларини қўллаб, уларни шундай уйғунлаштирадики, бу билан баҳолаш зерикарлы бўлишини олдини олиб, ҳар бир талабаларни эса олдиларига юксак мақсадлар қўйиб, улар сари интилишга ундейди, олган билим ва кўникмаларини чиғирикдан ўтказиб, келажакда улардан тұғри ва оқилона фойдаланишга чорлайди.

### **Умумий критериялар**

Талабалар билимини баҳолашда қуидаги намунавий мезонларни Низом асосида инобатта олиниши зарур.

| <b>Балл</b> | <b>Баҳо</b> | <b>Талабанинг билим даражаси</b> | <b>Умумий критериялар қуидагича</b> |
|-------------|-------------|----------------------------------|-------------------------------------|
|             |             |                                  |                                     |

|        |      |                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
|--------|------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 86-100 | Аъло | Хулоса ва қарор қабул қилиши, Ижодий фикрлай олиши, Мустақил мушоҳада юритиш, Амалда қўллай олиш, Моҳиятини тушуниш, Билиш, айтиб бериш, Тасаввурга эга бўлиш. | Ўзлаштириш кўрсаткичи 86-100% Фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ ўзлашти-ришда, ўз хатоликларини талаба ўзи тузата билган ҳолда.<br>Фанга қизиқиши, яратувчанлиги, янги техника-технологияларга интилиши, мураккаб топшириқ-ларни бажаришга харакатлан-ганилиги, интернет орқали олинган янгиликларни таҳлил этиб билганлиги |
| 71-85  | Яхши | Мустақил мушоҳада юритиш, Амалда қўллай олиш, Моҳиятини тушуниш, Билиш, айтиб бериш, Тасаввурга эга бўлиш.                                                     | Ўзлаштириш кўрсаткичи 71-85% фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изоҳлаб берган, баъзи аҳамиятга эга бўлмаган хатоликларга йўл қўйган ва бу хатоликларни ўқитувчи кўрсатмаси асосида тузата олган ҳолда.<br>Фанга қизиқиши, янги техника-технологияларга қизиқиши намоён этиши, мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши.    |

|       |                 |                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|-------|-----------------|--------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 55-70 | Қони-<br>қарли  | Моҳиятини тушуниш,<br>Билиш, айтиб бериш,<br>Тасаввурга эга бўлиш. | Ўзлаштириш кўрсаткичи 55-70% Фанни ўқув дастурига киритилган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ изоҳлама-ган, фанни бошқа қисмларини ўрганишга ҳалақит бермайдиган айrim аҳамиятга эга бўлмаган хатоликларга йўл қўйган, бу хатоликларни ўқитувчи ёрдамида тузатилган холларда.<br>Фанни ўрганишда янги техника-технологияларга қизиқиши пассив-лиги, мураккаб топшириқларни бажаришга интилиши йўқлиги. |
| 0-54  | Қониқар<br>-сиз | Аниқ тасаввурга эга<br>эмаслик, Билмаслик                          | Ўзлаштириш кўрсаткичи 55% дан паст ўқув дастурига кирган мавзулар бўйича мустақил иш материалларини тўлиқ билмаган, тизимлаштирилмаган ва тузатиб бўлмайдиган хатоликларга йўл қўйган холда.                                                                                                                                                                                                                           |

## ХУЛОСА.

Тажриба шуни кўрсатадики, педагогик амалиёт муваффақиятининг лойиқ базаси сифатидаги амалиёт объектини танлашга кўп жиҳатдан боғлиқ. Педагогик амалиётни ўтказиш жойи шаҳар, вилоят, республикадаги энг яхши касб-хунар коллажларининг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бундай касб-хунар коллажлари қандай талабларга жавоб бериши лозим?

а) талабаларни ўқув юртларида тайёрлаш йўналишига мос бўлиши лозим;

б) таълимнинг техника воситалари мажмуаси ва ўқув услублари ҳамда замонавий шаклларидан фойдаланиш имконини берадиган ўқув моддий-техника материал базага эга бўлиш лозим;

в) муҳандислик-педагогик жамоа ишининг фаолияти сифати ва илғорлик ёки намуналик даражаси нуқтаи назаридан ҳозирги замон талабларига жавоб бериши лозим;

г) фақат ана шундай касб-хунар коллажлари педагогик амалиётни ўтказиш бўйича таянч база вазифасини ўта олиши мумкин. Бундан ташқари, шундай база сифатидаги ўқув юртларининг мавжудлиги, ўқув юртлари ўқитувчилари ва ўқувчиларининг ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш ва малакаларини ошириш орқали илмий-тадқиқот ишларини йулга кўйиш имконини беради.

Шунингдек, амалиётни муваффақиятли ўтказиш, унга раҳбарлик қилувчи мутасаддилар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланишига, барча ижрочиларнинг сифатини яхшилаш ва ахборот билан таъминланишига амалга ошириладиган ишлар устида қатъий назорат ўрнатилганлигига ҳам боғлиқ. Амалиёт раҳбарлари қўйидагилар бўлишлари мумкин:

- амалиёт раҳбари, услубшунос;
- педагогика ва психология ўқитувчилари;
- касб-хунар коллежи директори, касбий таълим бўйича директор ўринбосари;
- маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари;
- касб-хунар коллежи ўқитувчилари;
- муҳандис-педагог ва гуруҳ раҳбари.

Санаб ўтилган раҳбарларнинг ҳар бирининг функционал мажбуриятлари амалиётни ташкил этиш йўриқномасида аниқ кўрсатилган. Талабаларнинг педагогик амалиётга нисбатан ишларини баҳолаш меъёрларини қўллаш, амалиётларни янада объектив аттестациядан ўтказиш (шаҳодатлаш) янада жиддий ёндашиш, режалаштирилган ишларнинг хотима кўринишларини сўзсиз бажариш имконини беради ва бу борада даъваткорлик ролини ўйнайди. Талабаларнинг педагогик амалиёти ижтимоий-сиёсий амалиёти билан уйғунлаштириб, касб-хунар коллежлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг энг муҳим қисми ҳисобланади.

Педагогик амалиёт жараёнида талабаларда нафақат ўқувчилар билан ўқув-тарбиявий ишни ташкил этиш ва амалга ошириш қобилияти ва кўникумлари пайдо бўлади, балки уларнинг институтдаги келгуси ўқувларининг муваффақиятли давом этишида ҳам ижобий таъсир ўтказувчи фикр-мулоҳазалар талқини вужудга келади. Бу энг аввало психологик-педагогик ва муҳандислик фанларига нисбатан ўзгаришлар, талабаларнинг келгуси фаолиятлари учун моҳият ва манфаатдорликни ҳис қилиш тушунчаси юзага келади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Баркамол авлод орзуси. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент-1999 й. 182 бет.
2. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент-1998 й, 63 бет.
- 3.Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас қуч.-Тошкент- Маънавият 2008,-176 б.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган ритуаллар тизими. Тошкент, «Фан нашриёти» 1999 й, 30-бет.
4. Мунавваров А.К. «Педагогика» Т. 1996 й.
5. Нишоналиев У., Турсунов И «Педагогика курси» Т. 1996 й.
6. Узоқов Х., Фозиев Э., Тожиев А. «Оила этикаси ва психологияси» Т. 1992 й.
7. Файбуллаев Н.Р. ва бошқалар. «Педагогика» Т. 1996 й.
8. Фозиев Э. «Психология» (ўқув қўлланма) Т. 1994 й.
9. Фозиев Э. «Педагогика ва психология асослари» Т. 1997 й.
10. «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом». Ова ЎМТВнинг 29 август 2010 йил №333-сонли бўйруғи.
11. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом». Ова ЎМТВнинг 30 октябрь 1998 йил №305-сонли бўйруғи.
12. Х.Р.Рўзиев ва бошқалар. Касб-хунар коллежларида педагогик амалиётни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Тошкент.2001 й.61 бет.
- 13.Айсмонтас Б.Б. Педагогическая психология: схемы и тесты - М : Изд-во ВЛАДОС-ПРЕСС, 2006.
14. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган ритуаллар тизими (1-китоб).- Бобобеков Х., Давлетшин М.Г., Ишмуҳамедов Р.Ж. ва бошқ.-Т.: Фан, 1999.
- 15.Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (2-китоб).- Бобобеков Х., Давлетшин М.Г., Ишмуҳамедов Р.Ж. ва бошқ.-Т.: Фан, 2005.
- 16.Вилсон Г., Макклэфлин К. Язык жестов - путь к успеху - СПб: Издательство «ПИТЕР», 2000.
- 17.Зиёмуҳамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.
- 18.Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари-Т 2001.
19. Ишмуҳамедов Р. Болаларни тарбиялаш ва соғломлашириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.: УДАП, 2004.
- 20.Ишмуҳамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
- 21.Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби.Т.,2007.- 1226.
- 22.Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах. М.: Айрис-пресс, 2006.
23. Количенко А.К. Энциклопедия педагогических технологий Пособие для преподавателей.- СПб.: КАРО,2005.-368 с.

24. Радугин А.А. Педагогика. Учебное пособие для высших учебных заведений. М.: Центр, 2002.
25. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар.-Т.;Молия, 2003.
26. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. - Т.; 2006.

## **МУНДАРИЖА**

|                                                                                                         |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                                       | <b>5</b>  |
| <b>I. БОБ. ТАЛАБАЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ<br/>ЭТИЛИШИННИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b> | <b>7</b>  |
| 1.1. Талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш йўллари.....                                        | 7         |
| 1.2. Амалиёт даврида тарбиявий ишларни ўтказишида педагогик раҳбарлик.....                              | 19        |
| 1.3. Педагогик амалиётнинг таркиби ва уни олиб бориш бўйича методик тавсиялар.....                      | 27        |
| <b>II. БОБ. АМАЛИЁТЧИ-ТАЛАБАГА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ<br/>ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ЁРДАМ.....</b>          | <b>45</b> |
| 2.1. Мустақил таълимни ташкил қилиш йўллари.....                                                        | 45        |
| 2.2. Мустақил таълимни ташкил этишда талабалар билимини баҳолаш бўйича умумий талаблар.....             | 61        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                      | <b>68</b> |
| <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>                                                                    | <b>70</b> |